ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Ўртоқ К. З. ДАВЛИЧАРОВА нутқи

НАМАНГАНДАГИ ШОЙИ ВА КОСТЮМБОП ГАЗЛАМАЛАР КОМБИНАТИ ПАРТКОМИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Ўзбекистон Компартиясининг съезди республикамиз коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг ҳаётида катта воқеадир. Партия ва халқ ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни янги меҳнат муваффақиятлари билан, мусобақани янада кенгайтириб нишонлаш совет кишилари учун яхши традиция бўлиб қолди.

Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг эндигина шаклланаётган ёш коллективи съезд олди мусобақасини авж олдириб юборди ва белгиланган топшириқни янги беш йилликнинг биринчи ойлариданоқ муваффақиятли бажариб келмоқда.

Тўқимачилик саноатининг бу зўр корхонаси Наманганда партия XXIII съездининг Директиваларига биноан қурилмоқда. Комбинат қуришга киришилган кундан бошлаб то шу вақттача Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати бераётган ёрдам ва мададни коллектив ўз ишида ҳар доим сезиб турибди.

Йилига 11 миллион метр тайёр газлама ишлаб чиқарадиган пардозлаш фабрикаси янги беш йиллик арафасида ишга туширилди. Комбинат ой сайин кенгайиб бормоқда. Комбинат коллективи КПСС XXIV съезди шарафига ҳар куни ишлаб чиқарилаётган газламани юз минг метрга етказиш мажбуриятини олди.

Комбинатнинг иккинчи навбатини қуришга доир топшириқни лойиҳачилар тайёрлаб қўйди. Комбинат ва унинг коллективини янада ўстириш учун бу топшириқни амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эга.

Комбинат ўсиши билан бир қаторда кейинги икки йил ичида партия ташкилоти ўсди ва мустаҳкамланди. Комбинатда 1966 йилда тўққиз нафар коммунист бўлган бўлса, ҳозирги вақтда партия ташкилотининг сафида 250 нафардан кўпроқ партия аъзоси ва кандидатлари бор. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари тузилди. Ҳамма масалаларни ҳал қилишда партия комитети ишчиларнинг ёрдами ва мададига таянади.

Бизнинг комбинатимизда 36 тадан кўпроқ миллатнинг вакиллари ишлаб турибди. Партия ташкилоти уларни интернационал руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда.

Партия ташкилоти кадрлар тайёрлашга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди. Комбинат қошида тўқимачилик техникуми, қунар-техника билим юрти ҳамда Тошкентдаги енгил ва тўқимачилик саноати институтининг ўқув-консультация пункти очилди. Шу туфайли қисқа вақт ичида анчагина мутахассис тайёрлашга муваффақ бўлдик. Тўқувчилик, йигириш ва пардозлаш цехлари қошида ишлаб чиқариш-техника курслари ташкил этилди. Ёндош касбларни эгаллаш ҳаракатини бутун ҳоралар билан қувватламоқдамиз.

Комбинат коллективида ажойиб кишилар, ўз ишининг моҳир усталари ўсиб етишди. Буларнингташаббуси билан кўпгина қимматли ишлар бошлаб юборилди. Коммунист Исмоил Исроилов бошчилигидаги йигирувчилар бригадаси саккиз соатлик топшириқни етти соатда бажариш ҳаракатини бошлаб берди. Биринчи куниёқ бригада комплектидан нормада белгиланганига қараганда икки юз килограмм кўп қимматли нозик ип олинди. Бригада нормани 6,5 соат ичида бажарди ва қолган вақт ичида оширилган съезд олди мажбуриятлари ҳисобига ишлади.

Партия ташкилоти, комбинатнинг бутун коллективи жонажон Коммунистик партиянинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенгайтиради. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ С. М. МАМАРАСУЛОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездидан буён ўтган йиллар республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва маданияти мислсиз ўсган давр бўлди. Бу — КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ўтказиб келаётган доно сиёсат натижаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва бутун партия ташкилотининг кенг қўламдаги сиёсий ҳамда ташкилотчилик фаолияти натижасидир.

КПСС XXIII съездининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май ва 1968 йил октябрь Пленумларининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш натижасида республика сув хўжалигида рўй берган буюк ўзгаришлар буни яққол исбот этувчи далилдир.

Ўтган беш йил мобайнида республика сув хўжалиги қурилишига 1600 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Бунинг натижасида 240 минг гектар янги ерни тайёрлаш, 650 минг гектар майдонни сув билан яхши таъминлаш, 436 минг гектар майдоннинг мелиорация ҳолатини яхшилаш имконияти туғилди.

Коллектор-зовур шохобчаларининг умумий узунлиги гектар бошига 1965 йилдаги 13,8 метрдан 16,5 метргача кўпайди.

Андижон сув омбори, Тахиатош ва Туямўйин гидроузеллари, Катта Наманган канали ва Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати каби нодир гидротехника иншоотлари қурила бошланди.

Шу давр ичида сув хўжалигида рўй берган сифат ўзгаришлари ҳам ғоят муҳимдир. Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашда вертикаль ва ёпиқ горизонталь дренажнинг прогрессив турларидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда Сирдарё, Фарғона ва Бухоро областларида 635 та вертикаль дренаж қудуғи бўлиб, суғориладиган 120 минг гектар майдоннинг мелиорация ҳолатини яхшилайди.

Суғориш шохобчаларининг қиёфаси ўзгармоқда. Республикада бетон ётқизилган каналларнинг узунлиги 2800 километрга, лоток (нов) шохобчаларининг узунлиги 2930 километрга етди. Пахта майдонларини суғориш учун усти ёпиқ қувурлар ётқизилмоқда. Иншоотларнинг кўпчилиги электр ёрдамида бошқарилмоқда.

Сув хўжалиги ташкилотларини энергия билан таъминлаш кескин суратда ортди. 1000 дан ортиқ доимий, сузувчи ва кўчма насос станциялари республика далаларига секундига 900 кубометрдан ортиқ сув бера олади. Ана шу станцияларнинг ёрдами билан 500 минг гектарга яқин ер суғорилади.

Республикадаги сув хўжалиги ташкилотлари ихтиёрида ҳозир 3300 экскаватор, 4860 бульдозер ва скрепер бор. Улар ҳар йили 740 миллион кубометрдан ортиқ тупроқни чиқариб ташлайди.

Тўқкизинчи беш йилликда сув хўжалиги олдида катта вазифалар турибди. Шу давр ичида республикада сув хўжалиги тадбирларига аввалги йиллардагига нисбатан анча кўп маблағ сарфлаш планлаштирилмоқда.

Мирзачўл, Қарши, Шеробод даштларида, Марказий Фарғонада ва республиканинг бошқа зоналарида ерларни ўзлаштириш тез суръатлар билан олиб борилади, гидроузеллар, сув омборлари, насос станциялари ва бошқа гидротехника иншоотларини қуриш суръатлари ғоят жадаллаштирилади.

Аммо ана шу тадбирларнинг амалга оширилишигна беш йиллиқнинг охирига бориб йилига 5 миллион тонна пахта ҳосили олиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, деб ўйлаш хато бўлур эди. Ана шу маррага эришмоқ учун ихтиёримизда бўлган ер ва сув ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

Қўйидаги фактдан бу муаммонинг ғоят муҳим эканлигини билиб олиш мумкин: Республикадаги суғориш системаларида сувнинг ерга шимилиб кетиши оқибатида ҳар йили салкам 16 миллиард кубометр сув исроф бўлади. Ана шу сув асосан сизот сувини кўпайтириб, ернинг мелиорация ҳолатини ёмонлаштиради. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги буни эътиборга олиб, каналларга бетон ётқизиш соҳасидаги ишлар ҳажмини ҳар йили кўпайтирмоқда. Масалан, 1970 йилда хўжаликлараро 200 километрдан ортиқ каналга бетон ётқизилди, жами 250 минг кубометрга яқин бетон ётқизиш ишлари бажарилди. Аммо бундай суръатлар қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини қондирмаётир. Шу мақсадда цементни кўпроқ етказиб бериш ва мелиораторларни ғоят унумли ишлайдиган механизациялаштирилган воситалар билан таъминлаш керак.

Ирригация системаларини техника жиҳатидан такомиллаштириш сувнинг ерга шимилиб кетишини камайтириш чоралари билан чекланиб қолмайди. Ҳар бир хўжаликда сувдан яшайдиган пунктлар яқинида жойлашган тахминан 300 минг гектар ер бор. Аммо сувнинг етишмаслиги ва экинларни суғориш учун сув етказиб берадиган техника воситаларининг камлиги орқасида бу ерлардан фойдаланилмаётир. Самарқанд, Андижон, Наманган областлари ва бошқа областлардаги илғор хўжаликлар ҳамда сув хўжалиги ташкилотларининг тажрибаси бундай ерларни ўзлаштириш арзонга тушажагини, харажатлар тез қопланажагини, алмашлаб экишни жорий қилишда хўжаликларга катта ёрдам беражагини кўрсатди. Масалан, Самарқанд областидаги Янгикент массивида 2000 гектар ер ўзлаштирилди. Бу массивдаги айрим участкаларда биринчи йилиёқ пахтадан кўп ҳосил олинди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида колхозларнинг келгуси беш йилликда ўз кучлари билан 50 минг гектар миқдорида ана шундай ерларни ўзлаштиришлари зарур эканлиги тўғрисида баён қилинган фикрни астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Ерларни ўзлаштириш ва уларнинг ҳолатини яхшилашда колхоз ва совхозларга амалий ёрдам бериш — сув хўжалиги органлари билан бир қаторда барча партия, хўжалик, жамоат ташкилотларининг ҳам муҳим иши бўлиб қолмоғи керак.

Кадрлар тўғрисида бир неча сўз. Бизнинг фикримизча, Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти негизида мустақил гидромелиорация институтини ташкил этиш пайти келди. Бу институтда турли ихтисосдаги мелиораторларни, шу жумладан гидро кучланиш ускуналари ва автоматлаштирилган системаларнинг лойиҳаларини тузувчи, уларни қурувчи ва фойдаланиш учун топширувчи инженерларни тайёрлаш мумкин бўлур эди. Бу чора Зарафшон водийсида ва Амударё этаклари каби зоналарда институт филиалларини тузиш имконини берган бўлур эди.

Республика сув хўжалигининг кўп минг кишилик коллективи Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездини ва КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилиб, 1970 йил планини ва беш йиллик топшириқларини муваффакиятли бажарди.

Съезд делегатларини ишонтириб айтамизки, сув хўжалиги ташкилотларининг коллективлари янги вазифаларни бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Д. ҒИЁСОВ нутқи

САМАРҚАНДДАГИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ «КРАСНИЙ ДВИГАТЕЛЬ» ЗАВОДИНИНГ СОЗЛОВЧИСИ

Заводимиз ишчилари КПСС XXIV съездининг янги беш йиллик планга доир Директивалари лойиҳасини қизғин маъқулламоқдалар. Бу Директивалар лойиҳаси мамлакат халқ хўжалигини ихтисослаштириш ва совет халқи турмуш даражасини оширишнинг муфассал программасидир. Биз янги беш йилликни тўла ва ошириб бажариб, Ватанимизни янада равнақ топтиришга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганмиз.

Кейинги вақтларда партиямиз совет кишилари турмушини яхшилаш учун кўп иш қилди. Буни биз ҳар биримиз жуда яхши сезиб турибмиз. Шунинг учун ҳам яхшироқ ишлагимиз, каттароқ натижаларга эришгимиз келади.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини зўр эътибор бериб, қизиқиб тингладим. Республикамиз меҳнаткашларининг жуда катта муваффақиятлари билан фахрланмоқдаман. Серқуёш ўлкамизда беш йил ичида нақадар катта ўзгаришлар рўй берганлигига, ишчилар, колхозчилар ва меҳнаткаш зиёлилар қўли билан нақадар кўп иш қилинганлигига бир назар ташланг!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев ўтган йил кузида республика партия активи йиғилишида сўзлаган нутқида республика партия ташкилотичинг, Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг ишига юксак баҳо берганлиги бизни янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Бизнинг заводимиз халқ хўжалигидаги муҳим вазифани ҳал этади — қишлоқ хўжалигини тракторларга ва автомобилларга керакли деталлар билан таъминлайди. Завод коллективи ўзининг беш йиллик планини муддатидан олдин бажарди.

Янги беш йилликда заводимиз олдида янги мураккаб вазифалар пайдо бўлмоқда. Биз асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланишимиз, маҳсулот сифатини ошириш устида қунт билан меҳнат қилишимиз лозим. Бунинг учун ихтиёримизда ҳамма имкониятлар бор. Биринчи галда камчиликларни тезроқ тугатиш, ишлаб чиқариш резервларидан тўлиқроқ фойдаланиш керак.

Мен кўп йиллардан бери станокларни созловчи бўлиб ишлайман. Гарчи бу кичик бир лавозим бўлса ҳам лекин маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифати, норманинг бажарилиши бизга ҳам боғлиқ бўлади. Билимим етишмаётганини сезиб, машинасозлик техникумига кириб ўқидим ва яқинда уни тамомлаб чиқдим. Ўрта махсус маълумотли ишчи мамлакатимизда жуда кўп. Заводдаги асбоб-ускуналардан яхши фойдаланиб, анча кўп маҳсулот тайёрлаш мумкинлигига шахсий тажрибамда ишонч ҳосил қилдим. Бунинг учун ана шу асбоб-ускуналарга эҳтиёткорлик билан қараш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш керак экан.

Афсуски, заводимизда меҳнатни илмий ташкил қилишга кўпинча расмиятчилик билан қаралмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг бу муҳим омилига кўпгина хўжалик раҳбарлари етарли аҳамият бермайдилар.

Яқинда заводимизда партия йиғилиши бўлиб ўтди, коммунистлар мавжуд камчиликлар тўғрисида юз-хотир қилмай, принципиаллик билан рўй-рост гапирдилар, завод партия ташкилоти ва раҳбарлари фаолиятидаги, ўз ишлари ва ўртоқларининг ишларидаги нуқсонларни танқид қилдилар. Ҳамманинг фикри шу бўлди: ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмоқ учун ҳар бир коммунист ўзининг авангардлик ролини оширсин, ўзига, ўртоқларига, партия ташкилотига зўр партиявий талабчанлик қилсин, топширилган иш учун масъулиятни оширсин. Хуллас, биз ўз ишимизни КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми қарорлари талаб қилган тарзда ташкил этишимиз лозим.

Заводимиз коммунистлари, партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш проблемаларини принципиал, партиявий нуқтаи-назардан катта ғамхўрлик билан қараб чиқаётганлиги учун ундан миннатдордирлар.

Ҳамкасб ўртоқларим, завод коммунистлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг фаолиятини қизғин маъқуллаётганликларини, совет кишиларининг турмушини яхшилаш, Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш юзасидан партия билан ҳукумат қўяётган тадбирларни астойдил ва сидқидилдан маъқуллаётганликларини съезд делегатларига маълум қилишни мендан сўрадилар.

Биз КПССнинг навбатдаги XXIV съезди қабул қиладиган янги беш йилликнинг катта программасини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратимизни аямаймиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Б. Р. РАҲИМОВ нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съезди билан XVIII съезди ўртасидаги даврда катта ва муҳим воқеалар рўй берди. Шонли Ленин юбилейи йили ҳаётимизда айниқса чуқур из қолдирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига ҳисобот докладида бундай деган эди: «Дарёлар суви қудратли океанга қўшилиб кетгани каби партиямизнинг барча миллий отрядлари ҳам иродаси, мақсади, идеологияси бир хил бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига — маслакдош ленинчилар иттифоқига қўшилиб кетганлиги билан фахрланамиз». Ўзбекистон Коммунистик партияси шундай отрядларнинг биридир.

КПСС XXIII съезди билан XXIV съезди ўртасидаги даврда Ўзбекистонда эришилган катта муваффақиятлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсий йўли, унинг ленинча миллий сиёсати тўғри эканлигини ёрқин исбот этувчи далилдир. Биз бу муваффақиятларда мамлакатимиздаги барча халқларнинг бирганликда зўр ғайрат билан қилган ишларининг натижасини, уларнинг мустаҳкамланиб бораётган бузилмас дўстлигини, республикамиздаги коммунистлар ва барча меҳнаткашлар қаҳрамонона ишининг якунини кўриб турибмиз.

Ўтган беш йилликда қўлга киритилган муваффақиятлар партия раҳбарлигининг услуб ва методларини тинмай такомиллаштириш, Марказий Комитетнинг барча ходимларга нисбатан талабчанликни ошириши, уларни ўз иши учун шахсан жавобгарликни сезиш руҳида тарбиялаши натижаси ҳам бўлди. Хеч муболағасиз айтиш мумкинки, жойлардаги барча ходимлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюросининг етакчилик ролини доим сезиб турибдилар, улардан хамиша керакли ёрдам олмоқдалар. Марказий Комитет секретарлари, унинг аппаратидаги ходимлар коммунистларнинг фикрига эътибор билан қулоқ солмоқдалар, омманинг ижодий ташаббуси вужудга келтираётган бутун илғорликни қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз Андижон областидаги коммунистларнинг қирқ минг кишилик отряди ва барча меҳнаткашлари номидан гапириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги сиёсий йўли ва амалий фаолиятини бутунича ва тўла маъқуллаймиз.

Андижон область партия ташкилоти Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездига ғоят жипслашган ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган ҳолда келди. Коммунистлар ҳисобот сайлов йиғилишларида, шаҳар, район ва область партия конференцияларида ўз сафларининг мустаҳкам бирлигини, ленинчи Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашганликларини зўр куч билан намойиш қилдилар.

Ҳисобот даврида саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, капитал қурилиш суръатларини жадаллаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш соҳасида муайян ишлар қилинди.

Беш йиллик даврида саноат корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 38 процент ортди. Техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида кўп иш қилинди. Область саноати беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди.

Шу йиллар ичида областда капитал қурилиш ғоят кенгайиб кетди. Юбилей йили айниқса кўп самара берди. Катта Андижон канали ишга туширилди, Пахта юлдуз канали, бир қанча саноат корхоналари, шунингдек кўп миқдорда маданий-маиший ва ўй-жой объектлари фойдаланишга топширилди.

1970 йилда область қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1966 йилдагига нисбатан 1,7 баравар ортди. Колхоз ва совхозлар беш йил мобайнида талайгина миқдорда пахта ва бошқа маҳсулотларни етиштириб, давлатга топширдилар.

Биз беш йилликдаги ишларимизни якунлаштирар эканмиз, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятимизда ҳали кўпгина камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам яхши биламиз. Ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаётир, капитал қурилиш учун ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмаётир. Қишлоқ хўжалигида ҳали ҳал этилмаган масалалар кўп. Биз идеология ишини анча яхши йўлга қўйишимиз лозим. Область партия ташкилоти аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун зарур чораларни белгилади ва бу чораларни амалга оширмоқда.

Сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат — СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалар лойиҳаси мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдига коммунистик қурилишнинг янги улуғвор вазифаларини қўймоқда. Директивалар лойиҳаси асосида биз қилинган ишларни атрофлича анализ қилиб чиқишимиз, барча имкониятларимизни ва резервларимизни ҳисобга олишимиз лозим.

25 минг нафардан кўпроқ илмий ходимларни ўз сафида бирлаштирган республика Фанлар академияси ҳамда бошқа илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг раҳбарлигида ўз фаолиятларининг ҳамма соҳаларида муайян муваффақиятларга эришдилар. 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси институтларининг ўзидагина 300 га яқин илмий мавзуни ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилди. Олимларимизнинг муваффақиятларини фақат совет илмий жамоатчилигигина эмас, шу билан бирга жаҳон илмий жамоатчилиги ҳам эътироф қилди.

Пахтачиликни янада юксалтиришнинг ҳаётий муҳим проблемаларини ҳал этишда фаннинг кўпгина тармоқлари қатнашмоқда. Бу соҳада генетик олимларнинг роли катта. Улар янги методика асосида ишлаб, пахтанинг вилтга чидамли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навларини яратиб бердилар. Яхши натижа бераётган мураккаб комплекс ўғитлар ҳосил қилинди. Эндиликда кўпгина заводлар бизнинг химик олимларимиз ишлаб чиққан технология асосида ишлашга ўтказилмоқда. Математик олимларимиз қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари билан ҳамкор бўлиб, сувдан фойдаланишни тартибга солиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг структурасини такомиллаштириш ишларини олиб бормоқдалар. Энергетикларимиз ирригация системасини автоматлаштириш ва телемеханизациялашнинг актуал проблемаларини ҳал қилмоқдалар. Зоологларимиз пахта зараркунандалари билан курашнинг самарали биологик методларини ишлаб чиқиб, жорий қилмоқдалар. Геологлар калий тузларининг жуда бой запасларини белгилаб бердилар, фосфорит конлари борлигини асосламоқдалар. Механиклар ва сейсмологлар олиб бораётган тадқиқотлар устки оқимни тартибга солувчи сув омборларининг ҳамда тўғонларнинг узоққа чидайдиган ва мустаҳкам бўлишини таъминламоқдалар. Чўл ва ярим чўл яйловларни интенсивлаштириш проблемасини ҳал қилишда ботаник олимларимиз каттагина натижаларга эришдилар.

Фанлар академияси партия ва ҳукуматнинг илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, кўпгина халқ хўжалиги вазифаларини алгоритмлаштиришнинг муштарак методларини белгилаб бермоқда. Ангрен—Олмалиқ консоциум районини ривожлантиришнинг илмий асослари, шунингдек республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришнинг 1971—1980 йилларга мўлжалланган схемаси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқариш билан алоқа мустаҳкамланмоқда ва кенгайиб бормоқда. Беш йил ичида академия институтлари ишлаб чиқариш ташкилотларига 180 га яқин таклиф топширдилар. Фақат бизнинг республикадагина эмас, шу билан бирга Украина, Латвия ва бошқа муҳим иқтисодий районларда ҳам бўлган 200 дан кўпроқ лойиҳалаш, конструкторлик, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан алоқа боғланди.

Республиканинг тармоқ институтлари ва олий ўқув юртлари фан-техника тараққиётини тезлаштириш ишига анчагина ҳисса қўшдилар. Улар олиб борган илмий тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланиш катта иқтисодий самара бермоқда.

Мамлакатнинг энг муҳим районларидан бири бўлган Ўрта Осиёнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш соҳасида Ўрта Осиё республикаларидаги Фанлар академияларинг биргаликда ишлаши катта аҳамиятга эга. 2000-йилгача бўлган давр ичида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш проблемаларига доир узоқ муддатли тахминларни биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисида қардош республикаларнинг академиялари билан келишиб олинди.

Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи институтлар катта ва самарали ишлар қилмоқда. «Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи», «В. И. Ленин ва табиёт фанининг ривожланиши» сингари катта ва аҳамиятли асарлар, ижтимоий-фалсафий фикр тарихига доир, ҳуқуқ, экономика проблемаларига оид ва бошқа масалаларга доир монографиялар нашр қилинди. Ўзбекистон олимлари социалистик воқелигимизни бузиб кўрсатишга уринаётган буржуа қалбакиларига муносиб зарба бермоқдалар, ҳозирги замон антикоммунизмининг идеология соҳасидаги қўпорувчиликларини фош қилиб ташламоқдалар.

Илмий ва снёсий билимларни меҳнаткашлар орасига ёйиш учун кўп иш қилинмоқда. КПСС XXIV съезди бўсағасида республика областларида ва шаҳарларида «Фан кунлари» ўтказилди. «Фан кунлари»ни ўтказиш халқ олдида берилган ижодий ҳисоботгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга олимларни ишлаб чиқариш ташкилотларининг эҳтиёжлари ва талаблари билан таништиришнинг таъсирчан формаси ҳам бўлди.

Ҳисобот даврида илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг фаолияти ҳар сафаргидек. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг диққат-марказида турди. Кейинги вақтларда Марказий Комитет институтларнинг ва умуман Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилашга каратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди.

Илмий муассасаларимизнинг ва олий ўқув юртларимизнинг фаолиятида мана шу умумий ютуқлар билан бир қаторда анчагина камчиликлар ҳам борлигини биламиз. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишини, айниқса физика, математика, техника, конкрет экономика ва ижтимоий фанларнинг бошқа баъзи соҳаларида фан докторлари тайёрлаш ишини кескин равишда яхшилаш зарур.

Партиянинг юксак ишончини оқламоқ учун республиканинг илмий ходимлари ўзларининг бутун кучларини сарфлайдилар. КПСС XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш борасида белгилаб берадиган янги вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съездини ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ О. СОДИҚОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди билан XVIII съезди ўртасида ўтган давр ичида республикада саноат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, социал-маданий қурилиш йўлида катта яратувчилик ишлари қилинганлиги, меҳнаткаш қатламларнинг моддий фаровонлик даражаси ошганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Мана шу ютуқларни ҳаммасини қўлга киритишда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отряди бўлган Ўзбекистон партия ташкилотининг роли катта.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўққизинчи беш йиллик планига доир КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳаси мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдига коммунистик қурилишнинг янги улуғвор вазифаларини қўймоқда. Директивалар лойиҳаси асосида биз қилинган ишларни атрофлича анализ қилиб чиқишимиз, барча имкониятларимизни ва резервларимизни ҳисобга олишимиз лозим.

25 минг нафардан кўпроқ илмий ходимларни ўз сафида бирлаштирган республика Фанлар академияси ҳамда бошқа илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг раҳбарлигида ўз фаолиятларининг ҳамма соҳаларида муайян муваффақиятларга эришдилар. 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси институтларининг ўзидагина 300 га яқин илмий мавзуни ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилди Олимларимизнинг муваффақиятларини фақат совет илмий жамоатчилигигина эмас, шу билан бирга жаҳон илмий жамоатчилиги ҳам эътироф қилди.

Пахтачиликни янада юксалтиришнинг ҳаётий муҳим проблемаларини ҳал этишда фаннинг кўпгина тармоқлари қатнашмоқда. Бу соҳада генетик олимларнинг роли катта. Улар янги методика асосида ишлаб, пахтанинг вилтга чидамли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навларини яратиб бердилар. Яхши натижа бераётган мураккаб комплекс ўғитлар ҳосил қилинди. Эндиликда кўпгина заводлар бизнинг химик олимларимиз ишлаб чиққан технология асосида ишлашга ўтказилмоқда. Математик олимларимиз қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари билан ҳамкор бўлиб, сувдан фойдаланишни тартибга солиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг структурасини такомиллаштириш ишларини олиб бормоқдалар. Энергетикларимиз ирригация системасини автоматлаштириш ва телемеханизациялашнинг актуал проблемаларини ҳал қилмоқдалар. Зоологларимиз пахта зараркунандалари билан курашнинг самарали биологик методларини ишлаб чиқиб, жорий қилмоқдалар. Геологлар калий тузларининг жуда бой запасларини белгилаб бердилар, фосфорит конлари борлигини асосламоқдалар. Механиклар ва сейсмологлар олиб бораётган тадқиқотлар устки оқимни тартибга солувчи сув омборларининг ҳамда тўғонларнинг узоққа чидайдиган ва мустаҳкам бўлишини таъминламоқдалар. Чўл ва ярим чўл яйловларни интенсивлаштириш проблемасини ҳал қилишда ботаник олимларимиз каттагина натижаларга эришдилар.

Фанлар академияси партия ва ҳукуматнинг илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, кўпгина халқ хўжалиги вазифаларини алгоритмлаштиришнинг муштарак методларини белгилаб бермоқда. Ангрен—Олмалиқ консоциум районини ривожлантиришнинг илмий асослари, шунингдек республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришнинг 1971—1980 йилларга мўлжалланган схемаси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқариш билан алоқа мустаҳкамланмоқда ва кенгайиб бормоқда. Беш йил ичида академия институтлари ишлаб чиқариш ташкилотларига 180 га яқин таклиф топширдилар. Фақат бизнинг республикадагина эмас, шу билан бирга Украина, Латвия ва бошқа муҳим иқтисодий районларда ҳам бўлган 200 дан кўпроқ лойиҳалаш, конструкторлик, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан алоқа боғланди.

Республиканинг тармоқ институтлари ва олий ўқув юртлари фан-техника тараққиётини тезлаштириш ишига анчагина ҳисса қўшдилар. Улар олиб борган илмий тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланиш катта иқтисодий самара бермоқда.

Мамлакатнинг энг муҳим районларидан бири бўлган Ўрта Осиёнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганиш соҳасида Ўрта Осиё республикаларидаги Фанлар академияларинг биргаликда ишлаши катта аҳамиятга эга. 2000-йилгача

Ўртоқ А. И. ЧУДНАЯ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ «КРАСНИЙ ВОДОПАД» ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ БАЗАСИНИНГ СУТ СОҒУВЧИСИ

Силарни — Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездининг делегатларини Тошкент областининг барча сут соғувчилари ва чорвадорлари номидан, Чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг коллективи ва унинг «Красний водопад» эксперименталь базаси коллективи номидан табриклашга ижозат бергайсиз.

Мен сут соғувчи бўлиб ишлаётган эксперименталь база КПСС XXIV съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездини кутиб олишга тайёрланиб, муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Ғўзт етиштириш ва сотиш беш йил ичида икки баравар кўпайтирилди. Мен ўзим беш йил ичида ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 3300-3500 килограмм сут соғиб олдим. Бир литр сут етиштириш учун 0,45—0,5 одам куни миқдорида меҳнат сарфланди. Бизнинг хўжалигимиз 1970 йилда пландан ташқари 60 минг сўм фойда олди. Бу маблағлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ва хўжалик экономикасини мустаҳкамлашга сарфланади. Давлатга ғўзт сотиш мажбурияти муваффақиятли бажарилди. Давлатга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни 360 килограммни ташкил этди. Бу тажрибадан республиканинг барча колхозлари ва совхозлари фойдаланишлари мумкин, деб ўйлайман.

Ҳозир Ўзбекистонда ихтисослаштирилган сутчилик хўжаликлари, ёш молларни тез семиртириб берадиган ва қорамолларни саноат асосида боқиб семиртирадиган комплекс хўжаликлар ташкил этилмоқда.

Ишларни механизациялаштир

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Делегат ўртоқлар! СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасини совет халқи мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа деб билиб, зўр мамнуния билан кутиб олди.

Одат бўлиб қолган ленинча анъанага кўра, партия ўз ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳамиша халқ билан маслаҳатлашиб келмоқда. Мана ҳозир ҳам, XXIV съезд арафасида Директивалар лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинди.

Директивалар лойиҳасида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йиллардаги асосий якунлари чиқарилди, келгусида коммунистик қурилишнинг катта, илмий асосланган программаси баён этилган.

Мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам Директивалар лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. У партия ташкилотларида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида, матбуотда, область ва ўлка партия конференцияларида, иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларининг съездларида батафсил қараб чиқилмоқда. Директивалар лойиҳаси ҳамма жойда якдиллик билан маъқулланмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимиздаги ҳамма халқлар билан бирга совет экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини яна анча ошириш юзасидан Коммунистик партия белгилаб берган улкан программани актив муҳокама қилмоқдалар, якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Директивалар лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида кўп таклифлар тушмоқда. Бу таклифлар умумлаштирилиб, КПСС Марказий Комитети билан ССР Иттифоқи Министрлар Советига тақдим этилади.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1966—1970 ЙИЛЛАРДАГИ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Совет халқи КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошираборий, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда янги катта ғалабаларга эришди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилги беш йиллик плани энг муҳим иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Миллий даромад 41 процент кўпайди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1,5 баравар ортди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 1961—1965 йиллардагига қараганда 21 процент ортиқ бўлди.

Беш йилликда мамлакатда салкам 2.000 та йирик саноат корхонаси ва объекти ишга туширилди. Халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,5 баравар кўпайди. Халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг техника даражаси ошди.

Ўтган беш йилликда халқнинг турмуш даражасини кўтариш тадбирларининг кенг комплекси амалга оширилди. Реал даромадлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, мўлжалдаги 30 процент ўрнига 33 процент кўпайди. Халқ хўжалигиничг ҳамма тармоқларидаги ишчилар ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақи оширилди. Ишчи ва хизматчилар икки кун дам олинадиган 5 кунлик иш ҳафтасига ўтказилди, ишчи ва хизматчилар отпускасининг минимал муддати узайтирилди. Қишлоқ аҳолиси билан шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига янада яқинлаштириш давом эттирилди. Колхозларда меҳнатга ғарантияланган ҳақ тўлаш жорий этилди.

Аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан оладиган тўловлари ва имтиёзлари беш йил мобайнида бир ярим баравардан зиёд кўпайди.

Ватан урушн инвалидларининг пенсия миқдори кўпайтирилди, колхозчиларга қариялик пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган ёш пасайтирилди, социал страхование яхшиланди.

Чакана товар оборoти салкам 1,5 баравар кўпайди.

Беш йил мобайнида мамлакатда жами саҳни 518 миллион квадрат метр бўлган уй-жой бинолари қурилди. Шу туфайли салкам 55 миллион кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юксак сифатли ишлар билан ривожланиб борди.

Меҳнаткашларнинг умумий таълим ва маданий савияси оширилди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Беш йиллик якунлари барча совет кишиларини қувонтиради. Бу якунлар — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети олиб борган жуда катта ташкилотчилик ишининг натижасидир, кўп миллатли улуғ халқимиз зўр ғайрат билан қилган меҳнатнинг мевасидир.

Ҳамма иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданияти муваффақиятли ривожланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўртоқ Ш. Р. Рашидов қилган ҳисобот докладида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съезди билан XVIII съезди ўртасидаги даврда, яъни саккизинчи беш йиллик мобайнида республикамиз халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятлар муфассал ёритиб берилди.

Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ва маданиятини ривожлантириш юзасидан беш йиллик планда белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилганлиги республика партия ташкилотининг КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларини бажариш соҳасидаги самарали фаолиятининг ёрқин кўрсатгичидир.

Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий потенциалини анча юксалтиришга эришилди, бир қанча катта-катта халқ хўжалик вазифалари ва проблемалари ҳал этилди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришда, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда дуруст муваффақиятларга эришилди. Қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси — пахтачиликни янада юксалтириш вазифаси муваффақиятли бажарилди.

Беш йиллик мобайнида аҳолининг турмуш даражасини оширишдан иборат жуда муҳим иқтисодий-ижтимоий вазифа муттасил амалга ошириб борилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ва съезд делегатларининг нутқларида таъкидлаб кўрсатилганидек, ўтган беш йиллиқда халқ хўжалигини тағин ҳам тез ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлар ва резервлардан тўлиқ фойдаланилмади.

Ончагина саноат корхоналари планларни муттасил бажармай келмоқда. Бир қанча тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмаётир, янги ишга туширилган қувватлар эса сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда. Иш ҳақи ва моддий техника ресурслари фондларини ортиқча сарфлаб юбориш фактлари содир бўлмоқда. Шунинг натижасида саноатни, айниқса енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш суръатлари беш йиллик план топшириқларидан орқада қолди. Товар ишлаб чиқариш тез кўпайиб бораётганлигига қарамай, аҳолининг айрим товарларга бўлган ва ўсиб бораётган талаби ҳали тўлиқ қондирилмаяпти.

Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат тайёрланадиган маҳсулотларнинг айрим турларини етиштириш плани бажарилмади. Чорвачиликни ривожлантириш — гўшт, сут, тухум етиштириш ўсиб бораётган эҳтиёжлардан орқада қолмоқда. Ер-сув ресурсларидан ва техникадан фойдаланишда кўп камчиликлар бор.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини, уй-жой биноларини ва маданий-маиший объектларни ишга тушириш юзасидан капитал қурилиш планлари муттасил бажарилмай қолаётир. Фан ва техника муваффақиятларини халқ хўжалигига жорий этиш соҳасида ҳали ҳам катта камчиликлар содир бўлмоқда.

Бу ҳол республика партия ва совет ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига хўжаликка раҳбарликни яхшилашга доир зарур чораларни кўриш мажбуриятини, саноатни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш суръатларига халақит берадиган ана шу нуқсонлар ва камчиликларнинг ҳаммасини тезроқ тугатишни таъминлаш мажбуриятини юклайди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасида кўрсатилганидек, **беш йилликнинг асосий вазифаси социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат.**

1971—1975 йилларда ижтимоий ишлаб чиқаришни 1966—1970 йиллардагига қараганда анча юксак суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган.

Мамлакатнинг миллий даромади ҳажмини 37—40 процент кўпайтириш, бу ўсишнинг камида 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш мўлжалланмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш беш йилликда 42—46 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 41—45 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 44—48 процент кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг йиллик ўртача ҳажмини аввалги беш йилликдагига нисбатан 20—22 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Социал тадбирларнинг катта программасини амалга ошириш: аҳоли жон бошига реал даромадларни кўпайтириш, меҳнаткашларнинг уй-жой, маданий ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган йўлни изчиллик билан давом эттириш, аҳолининг умумий таълим ва маданий-техникавий савиясини янада оширишни таъминлаш, унга медицина, санитария хизмати кўрсатишни яхшилашни таъминлаш мўлжалланилмоқда.

Фаннинг роли, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ортади.

Директивалар лойиҳасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлаштирилишини янада яхшилаш, барча иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районларнинг хўжалигини комплекс ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча районларида меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилган. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалаларини ҳал этишда иттифоқдош республикаларнинг ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ролини ошириш мўлжалланган.

Директивалар лойиҳасига мувофиқ республикамизда қуйидаги энг муҳим вазифалар ва асосий топшириқлар мўлжалланади.

САНОАТ

1966—1970 йилларда республика саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми 35 процент кўпайган бўлса, янги беш йиллиқда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 46—49 процент ошириш мўлжалланади.

Электроэнергетика, химия саноати, машинасозлик, ўрмон ва ёғочсозлик, ун-крупа саноати ва омухта ем саноати янада тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати саккизинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравардан зиёд юксалади.

1975 йилда **электр энергияси ишлаб чиқариш** 1970 йилдаги 18,3 миллиард киловатт соат ўрнига 30 миллиард киловатт соатдан ортиб кетади ва аҳоли жон бошига салкам 2200 киловатт соатни ташкил этади.

Тошкент ва Навоий ГРЭСлари ҳамда Чорвоқ ГЭСи қурилиши тугалланади, шунингдек, Сирдарё ГРЭСи ва Хўжакент ГЭСидаги биринчи агрегатлар ишга туширилади. Янги район электр подстанцияларини қуриш, мавжуд станцияларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, магистрал ва тақсимлагич электр шохобчалари ҳамда иссиқлик шохобчаларининг узунлигини ошириш кўзда тутилади. Республикада биринчи деб ҳисобланган 500 минг вольтли ҳаво электр линиялари қурилиши кучайтириб юборилади.

Ёқилғи саноатида кўмир қазиб чиқаришни 1,3—1,4 баравар ошириш мўлжалланади, газ қазиб чиқариш 37 миллиард куб метрга етказилади. Нефтни қайта ишлаш 33,1 процент ортади.

Химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 2,2 баравар, шу жумладан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,6 баравар, химиявий тола 24 баравар, синтетик смола ва пластик массалар 4 баравардан зиёд, халқ истеъмол қиладиган химиявий товарлар ишлаб чиқариш 6,4 баравар кўпайтирилади.

Олмалиқ аммофос заводининг иккинчи навбати ва Самарқанддаги суперфосфат заводида аммофос ишлаб чиқарладиган қувватлар, Навоий химия комбинатида нитрон толаси ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади ҳамда Фарғонадаги химиявий тола заводининг қуввати лойиҳада кўрсатилган миқдорга етказилади. Бу беш йилликда иккинчи, янада қувватли Навоий электрохимия комбинати қурилишини бошлаб юборилиб мўлжалланади.

Ангрэнда резина комбинати қурилишига киришилади.

Қора металлургияда Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводини реконструкция қилиш соҳасидаги ишларни қизитиб юбориш мўлжалланди.

200 минг тонна иккиламчи қора металларни қайта ишлаб бўрувчи қорметаллургия заводи қурилиши тамомланади.

Рангли металлургия янада ривожлантирилади. Таркибида олтин бўлган руда, мис, қўрғошин — рух ва вольфрам рудаларини қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, мис, рух, қўрғошин, концентрат вольфрам ва бошқа рангли металлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати янада кўпроқ ривожлантирилади, мис саралаш фабрикаси реконструкция қилинади, Қаричекда мис конн ва рух заводининг учинчи навбати қурилади, Чалат конн қурилиши тамомланади, қўрғошин — рух саралаш фабрикаси ва олтингугурт — кислота корхонаси кенгайтирилади. Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрувчи металлар комбинатида янги цехлар барпо этилади.

Олтин қазиб чиқариш саноати янада кўпроқ ривожлантирилади. Мурунтов кон — саралаш комбинатининг иккинчи навбати, Ангрен олтин ажратиб олиш фабрикаси, Каулда ва Чармитон конлари ишга туширилади. Кўчбулоқ кони кенгайтирилди.

Республикадаги **геология — разведка** ташкилотлари олдига республикамизда ишлаб турган, қурилаётган ва лойиҳалаштирилган корхоналарнинг ҳом ашё базасини, хусусан олтин, қўрғошин, рух, мис, вольфрам, нефть ва табиий газ корхоналарининг ҳом ашё базасини кенгайтириш вазифаси қўйилади.

Машинасозлик халқ хўжалигини техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ривожланиб бораётган бу саноат корхоналарни техникавий жиҳатдан кенг кўламда қайта қуроллантиришга асосланади.

Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотининг ҳажми 1970 йилдагига нисбатан тахминан 1,65 баравар ортади.

Пахта етиштириш учун керакли қишлоқ хўжалик машиналари, скреперлар, трактор прицеплари, тўқимачилик саноати ва пахта тозалаш саноати учун керакли технологик ускуналар, кучланиш трансформаторлари, электр двигателлари, шунингдек, запас қисмларни ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Машинасозлик корхоналарида эски конструкциядаги буюмларни ишлаб чиқармаслик ва улар ўрнига замонавий, сифатли буюмлар ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

«Ташсельмаш» заводида «ХН-3,6» маркали тўрт қаторли пахта териш машиналари чиқарила бошлайди. «Ташхимсельмаш» заводида ОВХ-14 типидаги гоят унумли ишлайдиган янги пахта пуркагичларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

«Таштекстильмаш» заводида янги пилталаш, йигириш ва йигириш-пишитиш машиналарини ишлаб чиқариш мўлжалланди.

«Электрон» автоматлар ёрдами билан пухта ишлаб турадиган трансформатор подстанциялари, янги пайвандлаш трансформаторлари ва ускуналарнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш учун «Ташсельмаш» заводини, пахтачиликка мўлжалланган бақувват тракторлар тайёрлаш учун Тошкент трактор заводини реконструкция қилиш ҳамда кенгайтириш тугалланади.

Йилига 300 минг дона рўзғор холодильниклари ишлаб чиқарадиган завод ва Самарқандда йилига 4 минг дона пассажир лифтлари ишлаб чиқарадиган завод қурилиши тамомланади. Наманганда трансформатор ва электротехника заводларини реконструкциялаш тамомланади.

Пахта тозалаш машина-ускуналарини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Андижондаги «Коммунар» заводини реконструкция қилиш ва шойи тўқиш автоматлари ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш учун «Кокандтекстильмаш» заводини реконструкция қилишни тамомлаш кўзда тутилади.

Экскаватор заводини реконструкция қилиш тугалланади, «Хлопкоприбор» заводи, шунингдек Тошкентдаги заргарлик фабрикаси қурилиши тамомланади.

Биноқорлик материаллари саноати олдига капитал қурилишнинг маҳаллий биноқорлик материаллари ҳамда конструкцияларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш вазифаси қўйилади. Цемент ишлаб чиқариш 29,8 процент кўпайтирилиб, 4,15 миллион тоннага етказилади. Йигма темир-бетон конструкциялар, деворга ёпиладиган материаллар, норуда ва пардозлаш материаллари, иссиқлик изоляцияси ва бошқа материаллар, шифер, асбоцемент қувурлар, керамика, шиша ва санитария-техника буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилади.

Навоийда йирик цемент заводи, хусусан гишт етишмаётган областларда бир қанча гишт заводлари қурилади. Поп посёлкасида картон-рубероид заводи, Қувасойда шиша идишлар заводи, Бекободда норуда биноқорлик материаллари карьери, Ғузорда майдалаш-саралаш заводи ва бошқа корхоналар тўла қувват билан ишга туширилади.

Директивалар лойиҳасида янги беш йиллиқда **истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни** кўпайтиришга, товарларнинг хилларини ошириш ва сифатини яхшилашга, аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга алоҳида эътибор берилади.

Енгил саноатда ип газлама ишлаб чиқариш 17 процент, шойи газлама ишлаб чиқариш 2,2—2,6 баравар, тўқилмаган материаллар ишлаб чиқариш 2 баравар, трикотаж ички кийимлик 1,8 баравар, устки трикотаж 35,5 процент, чарм пойафзал ишлаб чиқариш 1,5 — 1,7 баравар кўпайтирилади.

Шундай ўсишни таъминламоқ учун Бухоро ип газлама комбинати ва Хива гилам комбинати, Фарғонадаги сунъий чарм комбинати, Қўқон чарм заводи, бир қанча шойи тўқиш трикотаж, тикувчилик ва пойафзал фабрикалари ҳамда пахта тозалаш заводлари ишга тушириладн. Наманганда шойи ва костюмбоп газлама комбинати қурилиши тугалланади. Андижонда ип газлама комбинатини қуришга киришилади. Фарғона областида янги чинни идиш заводи қурилади ва Тошкентдаги чинни идиш заводининг қуввати икки баравар оширилади.

Озиқ-овқат ва гўшт-сут саноатида — ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 35,3 процент, мевали консервалар 1,6 баравар, давлат ресурслари ҳом ашёсидан гўшт тайёрлаш 14,9 процент, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 36,7 процент кўпайтирилади. Ана шу ўсишга маҳсулотнинг сифатини анча яхшилаш, тўйимлилигини ошириш, хилларини кўпайтириш ва янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўли билан эришмоқ лозим.

Ўрганчдаги ёғ-экстракт заводи қурилиши тамомланади. Тошкент областининг Оржоникидзе районида ва Самарқанд областида консерва заводлари, Фарғонада кондитер фабрикаси, Самарқандда тамаки фабрикаси, бир қанча пиво, сут ва нон заводлари, виночилик пунктлари, балиқ питомниклари ва бошқа корхоналар қурилади.

Мебель саноатида — Сергелидаги энг йирик мебель комбинати, «Шарқ» фирмаси ва бошқа бир қанча мебель фабрикалари қурилиши тамомланади.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини ҳал этишда **маҳаллий саноат** зиммаси анча катта роль ўйнаши керак.

Беш йиллиқда 40 га яқин корхона қурилиши, реконструкция қилиниши ва ишга туширилиши керак.

Беш йиллиқда халқ истеъмол қиладиган товарлар, чуночи, пластмасса 2,3 баравар, ёруглик-техника ускуналари 7 баравар, гилам ва гилам буюмлар 1,5 баравар, тўқима ва чарм галантерияси 2 баравар, ўйинчоқ ва арча безаклари 18 баравардан зиёд, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва зеби-зийнат буюмлари қариб икки баравар кўп ишлаб чиқарилади.

Госплан, министрликлар ва идоралар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг хилларини ошириш имкониятларини доим қидириб топишлари ва улардан энг кўп фойдаланишлари лозим. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бутун жамоатчилигимиз ана шу муҳим ишни доим назорат қилиб туриши керак.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини зарур суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш мақсадида резервларни қидириб топиш ва улардан тўлароқ фойдаланиш керак.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш, технология жараёнларини янада механизациялаш ва автоматлаштиришга, саноатнинг барча тармоқларида машина-ускуналардан фойдаланиш коэффициентини оширишга, маҳсулотнинг таннархини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Корхоналардаги моддий бойлик запаслари ресурсларини хўжалик оборотига кўпроқ жалб этиш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергияси, молиявий ресурсларнинг кўпроқ тежалишини таъминлаш, ҳар қандай исрофгарчилик ва ортиқча харажатларга барҳам бериш керак.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш, фан ютуқлари, меҳнатни илмий ташкил этиш асосида меҳнат унумдорлигини изчиллик билан ошириш, қўл меҳнати ва оғир меҳнатдан фойдаланишни камайтириш, корхоналарда физиологик ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган иш шароитини вужудга келтириш лозим.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалиги соҳасида совхоз ва колхозларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, кенг кўламда ихтисослаштириш ва марказлаштиришни кучайтириш, эҳинзорлардан, техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш негизида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тез ва барқарор етиштиришни таъминлаш энг асосий вазифа қилиб ўртага қўйилади.

Директивалар лойиҳаси беш йиллиқда колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигини 37-40 процент кўпайтириш, маҳсулотнинг таннархини анча камайтириш зарур эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлиб, СССР экономикасини ривожлантиришга совет халқларининг фаровонлигини оширишга ўзининг катта, интернационал ҳиссасини қўшмоқда. Пахта етиштириши тобора кўпайтириш Ўзбекистон партия ташкилоти фаолиятининг бош йўлидир.

Директивалар лойиҳасида пахта етиштиришни беш йиллик охирига бориб 4,9 миллион тоннага етказиш мўлжалланади.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз докладида таъкидлаб ўтганидек, республика партия ташкилоти шу беш йиллиқда орзу қилинган маррага эришиб, 5 миллион тонна пахта етиштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Партия ташкилоти пахта етиштиришни 5 миллион тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу вазифа ҳам шараф билан бажарилажагига шак-шубҳа йўқ.

Қорақалпоғистон Автоном республикаси, барча областлар, районлар, колхоз ва совхозлар шу вазифани ҳал этишга ўзларининг муносиб ватанпарварлик ҳиссасини қўшмоғи керак.

Янгичка толали пахта етиштириш 190 минг тоннагача кўпайиши керак.

Республика партия ташкилоти олдида пахтачиликнинг янги районларини вужудга келтириш, суғориладиган янги ерларни тезроқ ўзлаштириш, совхозларни комплекс тарзда ташкил этиш вазифаси турибди. Мирзачўл, Сурхон — Шеробод водийси ва Қарши чўлларидаги янги районларда пахта етиштиришни беш йиллик охирига бориб камида 400 минг тоннага етказиш мўлжалланади.

Ҳосилдорликни тобора ошириш — пахта етиштиришни кўпайтиришнинг энг асосий резервидир. Вазифа — ўтган йили эришилган ҳосилдорликни мустаҳкамлаш ва ундан ҳам ўзиб кетишдан, эскидан суғориб келинаётган ерларда гектар бошига олинадиган ҳосилни беш йилликнинг охирига бориб 29 центнерга етказишдан иборат. Бу — 1970 йилда республикада ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда олинган ҳосил миқдоридан қариб 3 центнер ортиқдир.

Ана шу маррага эришмоқ учун пахтачилик маданиятини янада юксалтириш тадбирларини амалга ошириш, аввало, барча колхоз ҳамда совхозларда пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилишни таъминлаш керак.

Беш йил мобайнида суғориладиган ерларда алмашлаб экишни жорий қилмоқ учун беда экиладиган қамида 200 минг гектар кўпайтирилиши керак.

Пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш билан бир қаторда пахтанинг вилтга чидамли янги навларини етиштириш, прогрессив биологик ва агротехника тадбирларини қўлланиш йўли билан вилтга қарши курашни кучайтириш зарур.

Суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун камида 600 минг гектар майдондаги ерининг мелиорация ҳолатини яхшилаш, 230 минг гектар майдонни яхши текислаш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш ва 750 минг гектар майдондаги суғориш системаларини реконструкция қилиш соҳасида катта тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади. Анча катта майдонларда тупроқнинг сув ва шамол эрозиясига қарши кураш олиб бориш соҳасидаги ишлар мўлжалланади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кўпайтириш учун беш йиллик охирига бориб етказиб бериладиган минерал ўғитлар миқдори 4 миллион тонна ортади ёки 1970 йилдагига нисбатан 730 минг тонна кўпаяди. Шу билан бирга, азотли ва фосфорли ўғитлар нисбати яхшиланади, уларнинг сифати оширилади.

Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотига мувофиқ, республикамиз пахта етиштириш билан бир қаторда бундан буён ҳам пилла, каноп пояси ва қорақўл тери тайёрловчи асосий манба бўлиб қолади.

Дон хўжалиги, хусусан шоликорлик, аввало, Қорақалпоғистонда янада ривожлантирилади.

Ўзбекистон сабзавот — полиз маҳсулотлари, картошка, мева ва узум билан аҳолини етарли миқдорда таъминлаш, умумиттифоқ фондига ва озиқ-овқат саноатига кўпроқ етказиб бериш мақсадида ана шу маҳсулотларни етиштиришни анча ошириш учун катта резервларга эгадир. Ана шу маҳсулотларни қайта ишлашни уюштириш, уларни тўғри сақлаш ва реализация қилиш ҳамда истеъмолчига етказиб бериш муҳим аҳамиятга моликдир.

Республикада ўрмон хўжалиги каби муҳим тармоқ янада кўпроқ ривож топади.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида биринчи даражали муҳим вазифа — чорвачилик соҳасидаги ишларни тубдан яхшилашга эришиш вазифаси турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XXI пленумининг қарорларига мувофиқ, колхоз ва совхозлар гўшт етиштиришни 1,5 баравар кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Марказий Комитет бу тадбирларни маъқуллади. Республикамизда ана шу тадбирларни бажариш учун барча имкониятлар мавжуд.

Аввало чорва молларнинг барча турлари туёғини кўпайтириш, ёш моллар боқиб ўстириш ва бўрдоқига боқишни яхшилаш, чорвачиликда нобудгарчиликни кескин суратда қисқартириш керак.

Хусусан даштлик, тоғли ва тоғ ёнбағридаги районларда қўйчиликни янада ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш — чорвачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Юқорида айтиб ўтилганидек, шу беш йиллиқда бедапоялар анча кўпайтирилади. Силосбоп маккажўхори ва кўк ўт етиштириш 4,6 миллион тонна кўпайтирилиши ёки 1970 йилдагига нисбатан 36,8 процент оширилиши лозим.

Қорақўлчилик ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқариш, илгари сув билан таъминланган 3,5 миллион гектар майдондаги гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш кўзда тутилади. Яйловларнинг унумдорлигини ошириш соҳасида талайгина ишларни бажариш мўлжалланади.

Чорвачиликни саноат асосида ривожлантиришга катта эътибор берилади. Шу мақсадда беш йиллик план лойиҳасида кўзда тутилганидек, давлат ҳамда колхозларга қарашли гўшт ва сут етиштирувчи йирик чорвачилик комплексларининг катта шохобчалари вужудга келтирилади.

Республикада беш йилликнинг охирига бориб 23 паррандачилик фабрикаси ва паррандачилик совхозлари бўлади. Бўлар 1970 йилдаги 177 миллион дона ўрнига 460 миллион донадан ортиқ тухум, қувватлар тўла ўзлаштирилганидан кейин эса 730 миллион дона тухум тайёрлай оладилар.

Тошкентда гўштбоп жўжа етиштириладигач комплекс ва Янгийўл, Ғиждувон ҳамда Андижон гўштбоп паррандачилик фабрикалари қуриш кўзда тутилди.

Шу билан бирга колхоз ва совхозларда 5-10 минг товуққа мўлжалланган ва тамомила механизациялаштирилган типовой паррандахоналарни, шунингдек паррандачилик фабрикаларида енгил типдаги паррандахоналарни қуриш керак. Бу чора беш йиллик планнинг тухум ва парранда гўшти етиштириш ҳақидаги топшириқларидан анча ошириб бажариш имконини беради.

Наслчилик ишини тубдан яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим. Бу эса сут ва гўшт маҳсулотларини анча кўпайтиришни таъминлайди.

1975 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1970 йилдаги 3,5 миллиард сўм ўрнига қариб 4,4 миллиард сўм, ёки 29 процент кўпаяди.

Шу беш йилликда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 1966—1970 йиллардаги 4,5 процент ўрнига 5,2 процент ортади.

Беш йилликда республика қишлоқ хўжалигига, шу жумладан, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ҳамда техника сотиб олиш учун давлат йўли билан 7 миллиард сўм ва колхоз маблағларидан 2,2 миллиард сўм, жами 9,2 миллиард сўм ажратиш мўлжалланади.

Беш йиллик план лойиҳасида сув хўжалиги қурилишининг катта программаси мўлжалланади. Бу программа сув билан етарли миқдорда таъминланмаган ерларни муттасил суғоришни, шўр босган ва заҳкаш районларда ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашни таъминлаши лозим. Ўтган беш йиллиқдагига нисбатан қариб икки баравар кўп майдондаги янги ерларни суғориш, йирик гидротехника тармоқларини, канал ва сув омборларини қуриш мўлжалланди.

Шу беш йилликда давлат капитал маблағлари ҳисобига 465 минг гектар майдонда янги ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш кўзда тутилади. Шу жумладан «Главсредазирсовхозстрой» 205 минг гектар майдонни суғоради, шу ҳисобдан Мирзачўлда 100 минг гектар, Қарши чўлида 85 минг гектар ва Амударё этакларида 20 минг гектар шолипоя сув билан таъминланади.

Хўжаликларнинг ўзида ҳам фойдаланилмаётган талайгина ер резервлари бор. Бу ерлар колхозларнинг маблағлари ҳисобига ўзлаштирилиши керак.

Шу беш йилликда Андижон сув омбори, Амударёда Туямўйин гидроузели ва сув омбори, Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати, Катта Наманган канали, Тошкент областида Паркент канали ва шулар сингари йирик сув хўжалиги иншоотлари қурилади.

Талайгина миқдорда пахтачилик, шоликорлик, мева-сабзавот, чорвачилик совхозларини барпо этиш кўзда тутилади.

Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини техника билан қайта қуроллантириш жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

(Давоми олтинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 5-бетда)

1971—1975 йилларда республикадаги колхоз ва совхозларга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларига 89,5 минг трактор, шу жумладан, 21 минг кўчли ҳайдов трактори, 33,3 минг пахта териш машинаси, 5,5 минг дон комбайни, 4,7 минг экскаватор, 9,9 минг бульдозер ва скрепер, 24 минг юк автомашинаси, 82 минг трактор прицеплари етказиб берилади.

Беш йилликнинг охирига бориб, 3 миллион тоннага яқин пахтани, яъни бутун ҳосилнинг 60 процентидан кўпротини машина билан териб олиш вазифаси қўйилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электр ёрдамида механизациялаш соҳасида кўп ишларни бажариш кўзда тутилади. 1975 йилда республика қишлоқ хўжалигида электр энергиясини истеъмол қилиш 5,5 миллиард киловатт-соатга етказилади ёки 2,9 баравар ортади.

Колхоз ва совхозларда, шунингдек колхозлараро ташкилотларда ёрдамчи корхоналарни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайтадан ишлаб берувчи корхоналарни, маҳаллий ҳом ашё ҳамда саноат чиқитларидан халқ истеъмол товарлари ва бинокорлик материаллари тайёрлайдиган корхоналарни ривожлантириш вазифаси ҳам қўйилади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Директивалар лойиҳасида транспортнинг ҳамма турларини тағин ҳам тезроқ ривожлантириш, унинг қувватларини ва ҳаракатчанлигини ошириш кўзда тутилади. Техника билан қуроллантириш-ни тезлаштириш, механизациялаш ва автоматлаштириш, юкларни контейнерларда ва пакетларда ташишни кенгайтириш асосида халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат қилишни анча яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, транспорт чиқимларини камайтириш мўлжалланади.

Халқ хўжалигида автомобиль транспортига аввалгидек катта ўрин берилади. Бундан буён ҳам у, республика ичида ташиладиган юкларнинг анчагина қисмини ташиб бериши керак.

Ҳаво транспорти янада ривожлантирилади.

Республика шаҳарларида 216 километр трамвай ва троллейбус йўллари қуриш мўлжалланади. Наманган ва Қўқонда троллейбус йўллари қуриш мўлжаллаб қўйилди. Самарқанд шаҳридаги трамвай йўлларини реконструкция қилиш ва янги трамвай йўлларини қуриш кўзда тутилади. Такси автомобиллар билан аҳолига хизмат кўрсатиш кенгайтирилади. Пассажирларни саёҳат қилдириш ва экскурсияларга олиб бориш анча кўпайтирилади.

1971 йилдаёқ Тошкент билан Янгийўл ўртасида электр поезд қатнай бошлайди, кейинги йилларда эса, темир йўлнинг Тошкентдан Сирдарё ва Ховос станцияларигача, Тошкентдан Чорвоқ-ача ва Ангренгача бўлган участкалари тўла равишда электрлаштирилади. Қорақалпоғистон АССРда янги темир йўллар қурилади. Республиканинг чап соҳил районлари темир йўл ва автомобиль йўллари орқали ўнг соҳилдаги районлар билан туташтирилади.

1971—1972 йилларда Кўнғирот — Бейнов участкасида доимий қатнов бошланиши билан Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг Совет Иттифоқининг Европа қисми билан темир йўл алоқаси 2 минг километрдан кўпроқ қисқаради.

Тошкент — Чиноз — Ўнг шоҳобча — Жиззах, Бектемир — Бош иншоот автомагистралларини қуриш, яйлов зоналарида ва бошқа районларда автомобиль йўллари қуриш давом эттирилади.

Автотранспорт воситаларига, шу жумладан, аҳолининг ўзи шахсан фойдаланётган автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи станцияларни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг алоқа, телевидение ва радиоэшиттиришга ошиб бораётган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш янги беш йилликда бу соҳадаги асосий вазифа бўлиб қолади.

Кабель ва радиореле тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўли билан шаҳарлараро телефон-телеграф алоқалари кучаллари узайтирилади, шу туфайли алоқанинг доимий ва барқарор бўлиши таъминланади.

Шаҳарлараро телефон станцияларини автоматика системасига кўчириб ишлатиш кўзда тутилади. Телефон станцияларининг ҳажми ва аҳолини квартира телефонлари билан таъминлаш кўпайтирилади.

Тошкентда ва Нукусда телевидение ва радио эшиттириш станциялари қурилади, шунингдек рангли телевидение кўрсатувларини Тошкентда қабул қилиш йўлга қўйилади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Экономикани ривожлантириш ҳамда халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини ошириш вазифаларини рўёбга чиқаришда капитал қурилишга биринчи даражали аҳамият берилади.

Давлат ва кооператив ташкилотлари томонидан республикада сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми беш йил ичида 1966—1970 йилларидагига 11,9 миллиард сўм ўрнига қарийб 20 миллиард сўмни ташкил этади.

Капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш, янги қувватларни, уй-жой биноларини ва бошқа объектларни қисқа муддатлар ичида ва камроқ харажат билан ишга туширишни таъминлаш, қурилиш ишларининг сифатини ошириш капитал қурилиш соҳасидаги асосий вазифа бўлиб қолади.

Қувватларни ишга туширишда зарур миқдордаги қурилишларни бошлаб қўйиш билан бирга чала қолган қурилишлар ҳажмини нормадан ошириб юборишга йўл қўймаслик борасида мўлжалланган топшириқларнинг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминламоқ учун Госплан, министрликлар ва идоралар капитал маблағларни концентрациялашни планларда кўзда тутишлари ва шу билан бирга бир вақтда қурилаётган корхоналар ва объектлар сонини камайтириш-лари зарур.

Республика Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалик, Совхозлар министрликлари, «Узколхозстрой», «Главташкентстрой», «Главсредазирсовхозстрой», «Узглавводстрой», барча қурилиш ташкилотлари комплекс механизациялаш даражасини оширишни, йирик конструкциялардан иморатлар қуришни кўпайтиришни, янги материаллар ва енгиллаштирилган конструкциялар ишлатилишини, қурилишларнинг машиналар ва энергия билан таъминланиш даражасини кўтаришни ва шу асосда меҳнат унумдорлигини янада оширишни таъминлашни кўзда тутишлари зарур.

Лойиҳалаш-смета ишлари жиддий равишда яхшиланиши лозим. Лойиҳалаш ташкилотларининг, министрликлар, идораларнинг, шунингдек экспертиза органларининг лойиҳалаш сифати учун масъулиятини ошириш керак.

Янги бешйиллиқда қурилиш ишларида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишни, бутун объектни битказиб ёки ишларнинг катта-катта қисмини бажариб бўлгандан кейин ҳисоб-китоб қилиш системасига ўтишни тугаллаш зарур. Шу туфайли ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларни ишга тушириш планларини бажариш, қурилиш муддатларини қисқартириш, қурилиш-монтаж ишларининг сифатини ошириш, таннархини пасайтириш борасида қурувчиларнинг масъулиятини ва манфаатдорлигини ошириш таъминланади.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати ўсиб борган сари совет кишиларининг турмуши бадавлат ва сермазмун бўлаверади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин юбилейига бағишланган докладда айтиб ўтганидек, «партиямиз ижчилик билан амалга ошираётган сиёсатнинг асосий мақсади ва асосий моҳияти шуки, меҳнат аҳлининг ишлаши, ўқиши, дам олиши учун, ўз қобилиятларини ривож топтириши ва энг яхши қўлланиши учун энг қулай шароит яратиб бериш керак».

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мамлакат аҳолисининг моддий ва маънавий талабларини тағин ҳам тўлароқ қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Директивалар лойиҳасига асосий мазмун қилиб олинган.

Ишчилар, хизматчилар ва қолхозчилар меҳнатининг миқдорига ва сифатига мувофиқ қилиб ҳақ тўлашни такомиллаштириш моддий фаровонликни янада оширишнинг асосий йўлидир.

Халқ хўжалигидаги тармоқлар ва ходимларнинг категориялари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашдаги нисбатларни янада яхшилашни таъминлаш зарур.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнатни нормалашни яхшилаш керак. Бунда фан-техника тараққиётини ва меҳнатни илмий ташкил этишнинг жорий этилишини ҳисобга олиш лозим.

Ишчилар, хизматчилар ва корхона коллективларининг меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш билан бир қаторда маънавий стимуллар ролини бутун ғоралар билан мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун масъулиятини ва интизомини ошириш зарур.

Колхозлардаги ижтимоий хўжаликни оғишмай ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат ресурсларидан бутун йил давомида тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш асосида колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ кўпайтирилиши ҳамда совхоз ходимларининг тегишли категориялари олаётган иш ҳақи даражасига етказилиши лозим.

Ижтимоий истеъмол фондлари халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Меҳнатдан келадиган даромадларга қўшимча қилиб, шу фондлардан аҳолига бериладиган текин моддий неъматлар ва қилинадиган хизматларнинг, шунингдек пуллик тўловларнинг ҳажми беш йил ичида республикада 54 процент кўпаяди, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 36 процент кўпаяди.

Аҳолининг даромадлари ўсиб бораётганлигига ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кенгайиб бораётганлигига мувофиқ чакана товар оборати тахминан 1,4 баравар кўпаяди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини оширишга, савдо ташкилотларининг моддий базасини кенгайтиришга аҳолига эътибор бериш лозим. Умумий овқатланиш корхоналари анча кўпайтирилади.

Меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш халқ фаровонлигини оширишнинг асосий вазифаларидан биридир. Янги беш йилликда давлат капитал маблағлар ҳисобидан уй-жой биноларини қуриш ҳажми анча кўпайтирилади. Шу билан бирга уй-жойлар қуриш кооперациясини кенгайтириш, якка тартибда уй-жойлар қуришга кўмаклашиш зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси уй-жой проблемасини ҳал қилишни тезлаштиради.

Республика колхозлари ва совхозларида уй-жой биноларини қуриш анча кенгайтирилади.

Уй-жой қуриш планларини ҳеч сўзсиз бажариш, қурилиш сифатини ошириш, бинолар ичидаги хоналар ўнгай қилиб жойлаштирилган, квартиралари кўркам ва яхши жиҳозланган янги типовой лойиҳалар билан иморатлар қуришга аста-секин ўтиш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш, аҳолига коммунал хизмати кўрсатишни яхшилаш ишларини кенгайтириш зарур. Ҳамма шаҳарлар марказий водопровод сувни билан таъминланадиган бўлади. 33 та посёлкада, район марказларида янги водопроводлар қурилади. Мавжуд водопроводлар анча кенгайтирилади.

Бунинг учун бир кеча-кундузда 955 минг куб метр сув бера оладиган водопровод иншоотларини ишга туширишва 1200 километрдан кўпроқ водопровод шоҳобчалари қуриш мўлжалланмоқда.

Мавжуд канализация системаларининг қувватларини ошириш билан бир қаторда республиканинг яна 6 шаҳарида канализация қуриш кўзда тутилади. Беш йил мобайнида 612 километрдан кўпроқ янги канализация шоҳобчалари қуриш, тозалаш иншоотларининг қувватини кўпайтириб, бир кеча-кундузда 860 минг куб метрга етказиш мўлжалланмоқда.

Шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда ва район марказларида газ қувурларининг шоҳобчалари 1197 километр кўпайтирилади, бу эса яна 300 минг квартирани газлаштиришга имкон беради. Қишлоқ жойларида фақат давлат капитал маблағлари ҳисобидангина 1730 километр газ шоҳобчалари қуриш ва 573 минг квартирани газлаштириш мўлжалланади. Шу билан бирга колхозларнинг маблағи ҳисобидан бу соҳада катта ишлар қилиниши керак.

Вазифа шуки, меҳнаткашларнинг маиший хизматнинг ҳамма турларига бўлган талабларини тағин ҳам тўлароқ қондириш, шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ва сифатини янада ошириш керак. Маиший хизмат кўрсатиш халқ хўжалигининг механизациялаштирилган йирик тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматларнинг ҳажми 1970 йилдагига нисбатан 2,3 баравар кўпайтирилади.

Аҳолига хизмат кўрсатадиган жуда кўп корхоналар қуриш мўлжалланмоқда.

Директивалар лойиҳасида маориф ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Умумий ўрта таълимга ўтиш тугалланади. Республиканинг умумий таълим мактабларида ўқиб турган болалар қарийб 3,6 миллион кишига етказилади. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ўқувчилар сонини 1,5 бараварга яқин кўпайтириш кўзда тутилади.

Республика давлат капитал маблағлари ҳисобидан 332 минг ўқувчига мўлжалланган ёки бундан олдинги беш йилликдагига нисбатан 52 процент кўп мактаблар қуриш ҳамда 94 минг ўринли ёки бундан олдинги беш йилликдагига нисбатан 78 процент кўп мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуриб ишга туширишни мўлжалланади.

Мактабларнинг моддий базасини яхшилаш, уларни замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида кенг программани амалга ошириш кўзда тутилади, бу ҳам бизга мактабларда таълим сифатини қатъий ошириш ва ўқувчиларга тарбия беришни яхшилашга кўмаклашади.

Янги қурилаётган мактабларни қўшиб ишлоблаганда биринчи сменада шуғулланувчи ўқувчилар салмоғини анча ошириш ҳамда куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги болалар сонини кўпайтириш кўзда тутилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш кўпайтирилади. Шу давр ичида олий маълумотли 160 минг нафарга яқин ва ўрта махсус маълумотли 214 минг нафар мутахассис тайёрланиши зарур.

Соғлиқни сақлашни янада яхшилаш чоралари амалга оширилади. Бу соҳада моддий техника базасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ихтисослаштирилган медицина ёрдамининг барча турларини ривожлантириш кўзда тутилади. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан 14,5 минг ўринли касалхоналар ва 7,6 минг ўринли амбулатория-поликлиника муассасалари қурилади. Меҳнаткашларни санаторий-курортларда даволаш ва ташкилий равишда дам олдириш янада ривожлантирилади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикамизда ҳам она ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, болали оналарнинг ижтимоий меҳнатда қатнашуви учун кенг имконият яратиб бериш кўзда тутилади. Мактабгача ёшда бўлган болаларни болалар яслилари ва боғчалари билан таъминлаш даражаси қарийб 27 процентга етказилади.

Социал таъминотни янада яхшилашни кўзда тутувчи бир қанча муҳим чоралар амалга оширилади. Улуғ Ватан уруши инвалидларига ва шаҳидларнинг оиларига тегишли уй-жой — маиший шароит яратиб беришга аҳолида эътибор берилади.

Маданият муассасалари — клублар, киноустановкалар, кутубхоналар тармоғи анча кенгайтирилади. Китоблар газеталар ва журналлар сони ҳам кўпайтирилади.

Мўлжалланган социал иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш билан бирга бутун аҳолини ижтимоий бурчга, жамият манфаати йўлида ижодий меҳнат қилишга онгли муносабатда бўлиш, маънавий покизалик ҳамда ижтимоий ва шахсий ҳаётда қамтар бўлиш руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор берилиши лозим.

Область, район, посёлка ва қишлоқ Советлари меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш борасида мўлжалланган тадбирларни амалга оширишда катта роль ўйнашлари лозим. Советлар ижроия комитетларининг фаолияти шу вазифаларни ҳал этишга қаратилиши керак.

КПСС XXIV съезди Директиваларида мўлжалланган хўжалик қурилиши программасини бажариш республика экономикасини ва маданиятини, ҳеч шубҳасиз, тағин ҳам юксак поғонага кўтаради.

Мана шунинг ўзи ҳам ленинча миллий сиёсат тантанасининг, улуғ Ватанимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлиқнинг янги ёрқин кўринишидир.

БОШҚАРУВНИ ВА ПЛАНЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бошқарув ва планлаштириш системасини ва методларини такомиллаштиришга Директивалар лойиҳасида катта эътибор берилган. Бошқарув ва планлаштириш ишлари аввало ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Ҳозир асосий вазифа шуки, республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги планини тармоқлар бўйича ишлаб чиқишни ва топшириқларни беш йиллик йилларига тақсимлаб беришни яқин фурсатда таъминлаш керак.

Госплан, министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари илмий асосда қилинган ҳисобларга таяниб туриб, республиканинг, тармоқлар ва корхоналарнинг беш йиллик планларини тузишни қисқа вақт ичида таъминлашлари лозим.

Бу планларни тузишда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни янада яхшилаш, республикадаги барча районлар хўжалигини комплекс ривожлантириш ва ихтисослаштириш, шунингдек ишга яроқли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга тағин ҳам тўла равишда тортиш вазифаларини назарда тутмоқ керак.

Фақат бутун республиканинг ўзигина эмас, барча тармоқларгина эмас, шу билан бирга ҳар бир корхона, ҳар бир хўжалик ўзининг беш йиллик планига эга бўлиши лозим. Бу эса уларнинг катта ишонч билан бир маромда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оғишмай амалга оширишларига имкон беради.

Ишлаб турган ишлаб чиқариш фондларидан интенсив равишда фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш имкониятларини энг кўп даражада ҳисобга оладиган оптимал планларни ишлаб чиқиш борасида корхоналар ва бирлашмаларнинг манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш лозим.

Беш йиллик план топшириқларини бажариш ишлари бошқарувнинг янги системаси шароитида олиб борилади. Барча хўжалик корхоналарини ва ташкилотларни, моддий ишлаб чиқаришнинг ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқларини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларига кўчиришни тугаллаш лозим.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва кооперативлаштириш, корхоналарни ихтисослаштириш ва улар ўртасидаги хўжалик алоқаларини рационаллаштириш, айрим тармоқларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб йирик бирлашмалар ва комбинатлар тузиш ишлари кучайтирилиши зарур. Хўжалик шартномаларининг ролини ва шу шартномани бажариш учун бўлган масъулиятни ошириш катта аҳамиятга эга.

Халқ хўжалигини планлаштириши ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида иқтисодий-математика методларини кенг қўлланиш, электрон-ҳисоблаш ва уюштириш техникасидан ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиб, корхоналарда технология жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини кенг жорий қилиш зарур.

Иш манфаатлари халқ хўжалигига зарур бўлган мутахассислар тайёрлашни жиддий равишда кенгайтиришни талаб қилади.

Янгича ишлаш шароитлари ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган иш учун шахсан масъулиятини янада оширишни, давлат, хўжалик ва технология интизомини мустаҳкамлашни, кадрларга нисбатан талабчанликни оширишни тақозо қилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1969 йилги декабрь Пленумида Ўртоқ Л. И. Брежнев ишнинг ҳамма участкаларида юксак принципиалликни ва талабчанликни, ўюшқоқлик ва интизомни таъминлаш ҳамда шу асосда иқтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга эришиш зарурлигини айтган эди.

Заррача бўлса ҳам интизомсизлик, фаолиятсизлик, тадбирсизлик, планларни, топшириқларни, қабул қилинган қарорларни бажармаслик ҳолларига ҳозир айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган бўлиб қолди.

Белгиланган планлар ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, маҳсулотнинг сифати учун, маблағлар ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш учун, ускуналар ва хом ашёлардан тўғри фойдаланиш учун, маҳсулотларни кооперативлаштирган тарзда етказиб бериш топшириқларини белгиланган муддатларда бажариш учун, технология интизомига риоя қилиниши учун ҳар бир хўжалик раҳбарининг масъулиятини ошириш зарур.

Шу билан бирга маъмурий бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш ишини давом эттирмоқ керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида, съезд делегатларининг нутқларида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ишидаги, республика меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги жиддий камчиликлар айтиб ўтилди.

Республика Министрлар Совети, Госплан, министрликлар ва идоралар шу съездда ўз ишлари тўғрисида қилинган танқиддан зарур хулосалар чиқариб олишлари ва мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиш чораларини кўришлари, белгиланган давлат планлари ва топшириқларининг ўз вақтида бажарилишини, давлат ва хўжалик интизомини мустаҳкамлашни таъминлашлари керак.

Беш йиллик планни бажаришда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Улар ўз ваколатларидан кенг фойдаланишлари ҳамда табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда давлат тартибига риоя қилишини, планлаштириш, бюджетнинг бажарилиши, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг молиявий ва хўжалик фаолияти қай аҳволда эканлигини тўла равишда контрол қилиб туришлари шарт.

КПССнинг бўлажак XXIV съезди арафасида республика шаҳарлари ва қишлоқларидаги илғор коллективлар, меҳнаткашлар ажойиб ташаббус бошлаб, 1971 йил биринчи квартали планларини муддатидан олдин бажаришга киришдилар. Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия заводи, эриши қийин ва ўтга чидамли металлар комбинати, Чирчиқ электр химия комбинати, Тошкент трактор заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси меҳнаткашларининг, республика автомобиль йўлларини қурувчиларнинг, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент областлари қишлоқ меҳнаткашларининг ва халқ хўжалигидаги барча тармоқларда ишлаб турган бошқа кўпгина коллективларнинг ташаббусини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети маъқуллади ва республиканинг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватлади.

Съезд очиладиган кун яқинлашгани сари съезд олди социалистик мусобақаси тобора кенг авж олмоқда, янги меҳнат зафарлари қўлга киритилмоқда.

Умуман республика саноати январь ва февралда планни ва олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажарди. Қорақалпоғистон саноати, барча областларнинг ва Тошкент шаҳрининг саноати икки ойлик топшириқни ошириб адо этди. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг катта қисми меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди. Капитал қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам кўпгина ишлар қилинди.

Ўртоқлар!

Ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз, совхоз биринчи квартал планларини тўла ва ошириб бажарса, барча дала ишлари яхши тайёргарлик билан ва муваффақиятли ўтказилса, мана шунинг ўзи КПСС XXIV съездига энг яхши меҳнат совғаси бўлади, 1971 йилги халқ хўжалик планининг бажарилишини таъминлайди ва умуман беш йиллик планнинг бажарилиши учун яхши замин тайёрлаб беради. Бутун куч ва воситаларимиз мана шунга сафарбар қилиниши лозим.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилиш йилномасига ёзган шонли саҳифалар кўп. Улар янги беш йиллиқда ҳам зўр маҳорат кўрсатиб ишлашларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларга ва республиканинг меҳнаткаш зиёлиларига етакчилик қилиб, уларни янги бунёдкорликлар қилишга йўллаб турган партия ташкилотимиз сафларининг жанговарлиги ва жипслиги бунга гаров бўла олади.

Съездимиз номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб шуни айтамизки, республиканинг партия ташкилотлари, барча коммунистлари ва меҳнаткашлари Директивалар лойиҳасини қизғин маъқуллаб, ўз олдиларида турган катта вазифаларни муваффақиятли бажаришни таъминлайдилар ва бу билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССР Кубоги—«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» соврини

МАРҲАБО, ХОККЕЙ!

Серқуёш ўлкамиз пойтахтининг спорт тарихи янги воқеа билан бойийдиган бўлди. Дўстлик ва мардлик шаҳри гўзал Тошкентда эртага натта хоккей мусобақалари бошланади. «Тошкент мўзи — 71» шиори остида ўтадиган хоккей турнири Урта Осиёда илк бор ўтказиляпти.

Спорт ихлосмандлари ва ёшларнинг севимли манзилгоҳига айланиб бораётган ҳашаматли марказий «Юбилей» спорт саройининг хотира ва эсдаликлар дафтарига шу кунгача ленинградлик муз усти балети ҳамда москвалик муздаги цирк усталарининг тамошолари ёзилган бўлса, энди у моҳир спортчилар — хоккей усталарининг дастхатлари билан безаладиган бўлди.

Минглаб хоккей муҳлислари кутган кун ҳам етиб келди. Спорт саройида Ўзбекистон ССР кубоги — «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари соврини учун ўтказиладиган мусобақаларга ҳамма нарса шай қилиб қўйилди. Собиқ хоккейчи, муз майдонларини мусобақаларга ҳозирлашда тажриба орттирган Г. Князев қисқа муддат ичида юбилей музининг чор атрофини махсус тўр тўсиқлар билан ўради. Мусобақа майдони мармардек текис музлатиб қўйилибди.

Пойтахтимизга илк баҳор кунлари ўтказиладиган қизғин мусобақаларни бошқариш учун биринчи бўлиб халқаро тоифадаги судья Л. Гусев ташриф буюрди. Соврин учун ўтказиладиган уч кунлик хоккей жангида бош судьяга В. Домбровский, Н. Резников, Н. Хомутников ҳамда А. Шершаковлар ёрдам берадилар.

— Республика кубоги — газета совринлари учун ўтказилаётган Тошкент турнири жуда қизиқарли ва ҳаяжонли бўлади деб ўйлайман, — дейди бош судья. — «Оқ олтин» ўлкасининг пойтахтида, меҳмондўст ўзбеклар олдида биринчи марта шайба сурадиган хоккейчилар ўз командалари билан тўлиқ келишлари кўзда тутилган. ЦСКА командасида бироз ўзгариш бўлади. Бу командадаги баъзи ўйинчилар мамлакат терма командаси билан қолади. Турнирда иштирок этадиган Воскресенскининг «Химик» командаси асосий жанговар состави билан Тошкентга келади. Горькийлик торпедочилардан дарвозабон Коноваленко, спартакчилардан эса Старшинов учлиги, Поладьев ва дарвозабон Зингерлар келолмайдилар. Лекин бу ўзгаришларга қарамай кураш қизғин бўлади деб ўйлайман.

Шундай қилиб, эртадан бошлаб ўзбекистонлик хоккей ишқибозлари биринчи марта хоккей ўйинларини кўришга муяссар бўладилар.

Марҳабо, хоккей!

Х. НОСИРОВ.

Суратда: (ўртада) бош соврининг кўриниши.

А. Ходаков фотоси.

КАНАДАНИНГ МИЛЛИЙ ПРОБЛЕМАСИ

ОТТАВА. (ТАСС). Ишсизлик мамлакатнинг миллий проблемаси бўлиб қолди, дейилади Канада ишчилар конгрессининг конфедерация ҳукуматига йўллаган йиллик мактубида.

Канада ишчилар конгресси қарийб бир миллион етти юз минг кишидан иборат бўлган мамлакатдаги энг катта касаба союзларидан биридир.

Ишсизлик, дейилади мактубда, Канада учун биринчи даражали иқтисодий проблема бўлиб қолди. Шу йилнинг январь ойида қарийб етти юз минг киши (мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг саккиз процента) ишсиз қолди. Ишсизлик бутун мамлакатга ёйилди, ҳозир Канададаги олий малакали кишилар ҳам ишсиз бўлиб қолмоқдалар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

№ А—53. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р—01280.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН.

5 март 1971 йил, жума ◆ № 54 (14.824). ◆ Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съезди 4 мартда Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан резолюция қабул қилди.

СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари лойиҳаси ҳақидаги доклад юзасидан ҳам қарор қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини ва ревизия комиссиясини сайлади.

Съезд делегатлари яқдиллик ва ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

Съезднинг якунловчи мажлисида раислик қилган Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездини ёпиқ деб эълон қилади. Делегатлар ўринларидан туриб партия гимни «Интернационал»ни айтадилар.

* * *

4 март кечқурун Санъат саройида делегатлар учун Ўзбекистон санъат усталари иштирокида катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Биз, Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съездининг делегатлари республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетига қизғин, самимий коммунистик саломимизни йўллаймиз, самимий миннатдорчилик ва чексиз садоқат туйғуларимизни изҳор қиламиз.

КПССнинг барча жанговар отрядлари каби Ўзбекистон Компартияси ҳам улуғ Ленин партиясининг юксак идеалларига чексиз содиқдир. Ўзбекистон Компартияси КПСС Марказий Комитетининг бош йўлини, унинг Советлар мамлакати иқтисодий ва мудофаа қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, халқаро майдондаги мавқеларини мустаҳкамлашга ҳамда халқ фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсий йўли амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

Биз жонажон партиямизнинг бош штабига зўр ҳурсандчилик билан маълум қиламизки, Ўзбекистон Компартияси ўзининг навбатдаги съездини бенизҳо мустаҳкамланган ва КПСС Марказий Комитети тевараги маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олди. Ўзбекистон Компартияси XVII съезддан кейинги даврда сон жиҳатидан ўсди, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан анча кўпроқ чиниқди, ташкилотчилик ва сиёсий иш соҳасида кўпгина янги тажрибалар тўплади, коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўтган беш йилликда барча қардош халқлар билан биргаликда КПСС XXIII съездининг буюк режаларини амалга оширишда катта муваффақиятларга эришдилар. Саккизинчи беш йилликнинг топшириқлари энг муҳим иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Республика экономикаси ва маданияти янада юксалди, халқнинг турмуш даражаси ўсди.

Улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз В. И. Ленин туғилган кунинг, юз йиллиги байрами ўтказилган йилда айниқса катта муваффақиятларга эришилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ленин юбилейи йилини саноат ишлаб чиқариши ва капитал қурилиш, транспорт ва алоқани ривожлантириш планларини муддатидан илгари бажариш билан, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мисли кўрилмаган ҳосил етиштириш билан, фан ва маданият соҳасида катта муваффақиятлар билан нишонладилар.

Бутун мамлакатимиз, барча қардош халқлар саккизинчи беш йиллик плани муваффақиятли бажарганликлари бизни бенизҳо қувонтиради. Қардош халқларнинг ҳар бири коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Биз ана шу муваффақиятларнинг ҳаммасида, бутун ажойиб ҳаётимизда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча йўлининг бунёдкорлик кучи самараларини яққол кўриб турибмиз.

Ана шу самаралар ишлаб чиқарувчи кучларнинг қудратли тараққиётида, халқ оммасининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги мислсиз ўсганлигида, барча совет республикалари гуллаб-яшнаганлигида. СССР халқларининг бирлиги ва қардошлигида, уларнинг тошметиндек мустаҳкам дўстлигида ўз ифодасини топди.

Бизнинг жонажон партиямиз ленинча миллий сиёсат негизида барча совет халқларини ягона қардош оилага жипслаштирди ва уларни ҳозирги тараққиёт чўққиларига кўтарди. СССРдаги барча миллат меҳнаткашларининг эркин ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлади. Бизнинг жонажон партиямиз совет халқини социализм ғалабасига олиб келди ва эндиликда комил ишонч билан коммунизм сари бошлаб бормоқда.

Совет кишилари Коммунистик партияни ўзининг содиқ йўлбошчиси ва доно устози деб, давримизнинг ақл-идроки, виждони ва шоншарафи деб биладилар. Совет кишилари жонажон партияни чексиз севадилар, ўз тақдирини унга томомила ишониб топширганлар. Совет кишилари сира оғишмай, Коммунистик партияга эргашиб бормоқдалар. партиянинг ҳамма режаларини ўзларининг жонажон ишлари деб биладилар.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллик план тўғрисидаги Директивалар лойиҳасини зўр ҳурсандчилик ва баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар бу лойиҳани қизғин маъқулламоқдалар ва ўзларининг бутун куч-ғайратларини партия томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун курашга сарф қилажакларини билдирмоқдалар.

Республиканинг бутун партия ташкилоти ҳозирги вақтда ўзининг бутун куч-ғайратини ана шу вазифаларни бажаришга сарф қилмоқда. Экономиканинг тараққиётини янада жадаллаштириш учун, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятларимиз борлигини яхши биламиз. Республика партия ташкилоти ана шу резервларни тезроқ ишга солиш учун ҳамма чораларни кўради.

Ўзбекистон Коммунистик партияси КПСС Марказий Комитетининг синалган раҳбарлигида бундан буён ҳам меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ошираверади, уларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг ҳаётбахш идеаллари руҳида тинмай тарбиялайверади, ишчилар синфини, колхозчи деҳконларни ва халқ зиёлиларини социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш ва бойликларини кўпайтириш учун янги шонли ғаҳарларга отлантираверади.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXIV съездига ўз сафларини маҳкам жипслаган ҳолда бормоқдалар. Бу съезд партия ва мамлакат ҳаётида буюк воқеа, коммунистик қурилиш йўлида янги тарихий босқич бўлади. Мамлакатимизнинг халқлари партиянинг навбатдаги съезди қарорлари билан қуролланиб, партия Марказий Комитети раҳбарлигида коммунистик истиқбол сари янада шаҳдам қадамлар билан олга боришларига шак-шубҳа йўқ.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ Ленин партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съезди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVIII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Абдалин А. С.
Абдуллаева Р. Ҳ.
Абдураззоқов М.
Абдураҳмонов А.
Айтмуротов Е.
Оллоқулов К.
Алиханов О.
Алматов Ч.
Омонов Б.
Анисимкин И. Г.
Архангельский В. А.
Асомов С.
Асомов Ҳ.
Отажонова Х.
Аҳмадалиева Ш.
Аҳмедов Қ. А.
Охунова Т.
Бобоназаров Р.
Бозоров Н. Б.
Бозорова Х.
Белоножко С. Е.
Бесчастнов А. Д.
Бродова А. И.
Восиқова М. С.
Ваҳобов М. Ғ.
Вихляева Г. К.
Габриельянц Г. А.
Гаврилов А. Ф.
Ғойибов Р.
Ғофиржонов Э.
Дадажонов М.
Жалилов И.
Дрижак И. П.
Дўсов И.
Есенбоев З. И.
Ешимбетов Д.
Железнов Н. М.
Зоидов М. А.
Зоиров Қ. С.
Зарапетян З. П.
Зинин Т. Г.
Зиёдуллаев С.
Иброҳимов М.
Иброҳимов С. И.
Илюхин А. М.
Имомова Х.
Исломов Э.
Исҳоқов К.
Исмоилов Т.
Исроилова З.
Истомин Б. М.
Эшчонов Р.
Қодиров А. М.
Қодиров В.
Қодирова М.
Каймаков П. В.
Камолова О.
Камолов Қ.
Қаримов А. К.
Қаюмов П.
Кенжаев Қ.
Князькова Е. А.
Корнеева З. А.
Кочубеев А. Г.
Қудратов Ш.
Кузьмин В. П.
Қўйбоқаров Х. Р.
Куксенко В. П.
Қурбонов Й. Р.
Қўчқоров А. М.
Ломоносов В. Г.
Мамарасулов С.
Маматбоева С. А.
Марцинюк И. В.
Матчонов Н. М.
Маткаримов М. М.
Маҳмудов Н.
Мизяева А. С.
Мелиев А.
Мироқов М. М.
Мирзааҳмедов М.
Мўминов И.
Муродов Н. М.
Муродхўжаев В.
Мусахонов М. М.
Муртазоев Қ.
Муҳамедов В. М.
Муҳиддинов М. М.
Норматова С.
Носиров Х. М.
Новицкий Б. А.
Нуъмонов К. (Яшин)
Нурумбетов Қ.
Обидин И. И.
Одилов А.
Ожраев Д.
Окунский В. В.
Орлов Г. М.
Осетров Т. Н.
Петров В. Н.
Печеркина В. И.
Прасолов И. В.
Рамазонов М. Р.
Расулов С. Р.
Раҳимов Б. Р.
Раҳматов И.
Рашидов Ш. Р.
Ризаев Х.
Рўзибоева Х.
Рўзметов Қ.
Рустамова К.
Содиқов О.
Содиқова В. С.
Содиқов Т.
Саидов М. С.
Салимов О. У.
Саримсоқов У.
Саркисов А. А.
Саримсоқов Т. А.
Сатторова Т.
Светленко Г. Г.
Сивец В. Н.
Соколов П. И.
Сороколетов Ф. П.
Султонова С. У.
Султонхўжаев А.
Тоиров С. М.
Тасанбоев Е. Т.
Тимохин В. И.
Титков И. К.
Тўлаганов Х. Т.
Тўрақулов Е. Х.
Турсуметов И. П.
Турсунов М.
Умаров Т.
Умаров Х.
Усмонова М.
Усмонов С. Н.
Усмонова Т.
Уразбоев М. Т.
Хаитов М. Н.
Ҳайдарова Г. К.
Хайдуров В. А.
Хайруллаев Ш. К.
Хван М. Г.
Ҳамидов А. Ҳ.
Ҳамроқулов С.
Ҳикматов Э.
Хўжаев А. А.
Хўжаев А. Р.
Хўжаев А.
Хўжаев Ж.
Хўжаев Ф.
Холхонов Х.
Худойберганов М.
Худойбердиев Н. Ж.
Ҳусенова К.
Ҳусниддинов И. К.
Чудная А. И.
Шоғазатов Х. А.
Шайхов Э. Т.
Шамсиддинов Ф. Ш.
Шермуҳамедов С.
Йўлдошева З.
Юсупов П. А.
Яхёев Ҳ. Х.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

Обидов С.
Азимов И.
Акимова Т. И.
Орифов У.
Арнаутов И. Р.
Арсентьев В. Б.
Отақулов У.
Аҳмедов С.
Аҳмедов Р.
Ашрапова М.
Бойминов Т.
Баратов Х.
Вилинеева В. Н.
Ғозиназаров А.
Ғойбова Р.
Ғуломов А.
Ғафуров Х. М.
Ғафурова Х. Р.
Даниленко З. К.
Жабборов А. Х.
Ефремов Б. В.
Зиёмов С.
Иброҳимов Ю.
Иванов Г. А.
Имомалиев А.
Исмоилов А.
Козимов В. О.
Қалмурзаева Д.
Камолов У. Х.
Қориев М.
Каримов М. К.
Қаюмов А.
Қаюмов А. Қ.
Куликов В. Н.
Қутлимуратов Ж.
Логинова В. Н.
Мамажонов Ю.
Мамарасулов К.
Матушева Н. В.
Мирзаев М. М.
Мороз И. К.
Муқимов Й.
Нажимов Ғ.
Назаров В. Ф.
Назарова С.
Нуруллаева У.
Уринбоев М.
Пайғамов А.
Пирманов С.
Пўлатхўжаев С.
Рапиғалиев Б.
Раҳмонов К.
Сатторов Х.
Сахибоев Р.
Сулаймонов У.
Тоиров К.
Тимофеев Н. Ф.
Тихомиров А. И.
Тўхтаев Т. М.
Трибунский И. М.
Турдиева М. С.
Хайруллаев М. М.
Ҳакимов А.
Холмуротов П.
Ҳамроев Н. Р.
Ҳамроқулов Ш.
Ҳасанов М. Ҳ.
Хидиров И.
Хўжаев М. М.
Ҳусанов А.
Хўжақулов Ч.
Чалаева Н.
Чориев Т.
Чориев Д.
Чолаков М. М.
Шохназаров Р. А.
Шевелев П. Ф.
Шербўтаев М.
Шовқиев Б.
Шчербаков И. С.
Эргашев Н.
Юсупов Ю.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XVIII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КП РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ

Абдураҳмонов К.
Алиев А.
Алиев К.
Алиева Х.
Отақўзиев У.
Охунжонов А. И.
Бобожонов А.
Жўраев Ф.
Жиберин А. Г.
Жукова А. Д.
Зайко Г. И.
Иброҳимов У. Е.
Изимбетов Т.
Исомхонов У.
Эсонова С.
Қодиров В. Н.
Қаландаров Ю.
Камолов М.
Каримов К.
Каримов Т.
Қосих М. И.
Кузнецова К. Н.
Қурбонбоев Н.
Лукина В. А.
Назиров Ғ.
Насриддинов В. Х.
Озерский Е. И.
Омеров С. А.
Плошаднова Т. И.
Пўлатова З. А.
Пўлатова М.
Ражабова М. Р.
Рўзматов М.
Рустамов И.
Рустамов У. А.
Рибас М. Е.
Собиров Ғ. С.
Саломова Ш. З.
Сапаев Ш.
Сигедин В. Н.
Сўпиева О.
Тоғаева Б. Т.
Таскаев В. В.
Урунов М.
Ҳасанов А.
Хидиров Х.
Шомуҳиддинов Ш. Ш.
Шоражабов У.
Шахов А. Т.
Шербўтаев М.
Шукурова Х. С.
Элбоев Б.
Йўлдошев Р.
Йўлдошев С.
Юсупов И.
Ёқубов Ф. Ғ.
Ёқубов Ш.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ОБЛАСТЬ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА КПСС XXIV СЪЕЗДИГА САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОВОЗ БИЛАН

Абдураҳмонов К.
Абдуазимова П.
Абдуллаева Р. Ҳ.
Абдураҳмонова М.
Абдураҳмонова П. Х.
Айтмуротов Е.
Алексеев П. Ф.
Алимов У.
Алимов Х. Р.
Омонов Б.
Омонова М. С.
Амирбекова К.
Аникин А. Н.
Анисимкин И. Г.
Аскарова М.
Аскарова С.
Аҳмедов Қ. А.
Охунова И. Н.
Бойминов Т.
Баратов Х.
Белоножко С. Е.
Бесчастнов А. Д.
Бўриева Ш.
Вихляева Г. К.
Гаврилов А. Ф.
Ғойибов Р.
Гузенко Н. М.
Жалилов И.
Жўрабоев Г. М.
Жўраева Б.
Жўраева Т.
Дрижак И. П.
Ефремов Б. В.
Ешимбетов Д.
Зоидов М. А.
Замятин Л. М.
Зарапетян З. П.
Иброҳимова М.
Илюхин А. М.
Имомбоева У.
Исоқова М.
Исмоилов А.
Истомин Б. М.
Эшчонов Р.
Қодиров А. М.
Камолов Қ.
Камолова О.
Каримов А. К.
Каримова М.
Карлов В. А.
Карпов В. К.
Қаюмов П.
Қаюмов Т.
Кенебоев У.
Кириллин В. А.
Кочмарик И. А.
Кочубеев А. Г.
Қузьмин В. П.
Куксенко В. П.
Қурбонов Й. Р.
Ломоносов В. Г.
Мартинов Н. В.
Маткаримов М. М.
Маткаримова К.
Матчонов Н. М.
Маҳмудов Н.
Машарипова Н.
Мизяева А. С.
Мирзааҳмедова А.
Мирзаев М. М.
Муродов Н. М.
Муртазоев Қ.
Мусахонов М. М.
Муҳамедхонова Ф. И.
Нажимов Б.
Назиров Ғ.
Насибов М.
Насриддинова Е. С.
Нежевенко Л. А.
Новицкий Б. А.
Нуъмонов К.
Обидин И. И.
Одилов А.
Орлов Г. М.
Осетров Т. Н.
Полвонов Ҳ.
Парпиева С.
Петров В. Н.
Продан С. А.
Пўлатов Э. П.
Рамазонов М. Р.
Расулов С. Р.
Раҳимов Б. Р.
Раҳимов С.
Раҳмонов И.
Раҳмонов Н.
Рашидов Ш. Р.
Рогов Б. И.
Содиқов О.
Саидов Х.
Салимов О. У.
Саркисов А. А.
Сатторова Т.
Светленко Г. Г.
Сивец В. Н.
Слободина Л. И.
Соломонова В. А.
Сулаймонов А.
Султонова С. У.
Тасанбоев Е. Т.
Титков И. К.
Тўхтахўжаев Р.
Тўрақулов Е. Х
Умаров Х.
Усмонжонова С.
Усмонов С. Н.
Фомин Г. Н.
Хаитов М. Н.
Ҳайдаров В.
Хайруллаев Ш. К.
Холиқов М.
Халилов М. Б.
Ҳамроева О.
Ҳамроқулов С.
Ҳамроқулов Ш.
Ҳасанова С.
Ҳасанова У.
Хван М. Г.
Хўжаев А. А.
Холхонов Ҳ.
Худойберганов М.
Худойбердиев Н. Ж.
Чориев У.
Чиков В. Г.
Шоғазатов Х. А.
Шайхов Э. Т.
Шамсиддинов Ф. Ш.
Шохназаров Р. А.
Шевелев П. Ф.
Шербўтаев М.
Шовқиев Б.
Шчербаков И. С.
Эргашев Н.
Юсупов Ю.

МАСЛАҲАТ ОВОЗИ БИЛАН

Дилдабеков Ш.
Кенжаев Қ.
Қудратов Ш.
Петров А. А.
Тиллабоев А.
Урунова С.
Цаценко А. Е.
Йўлдошева С. Х.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

4 мартда Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди сайлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ **Ш. Р. Рашидовни** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб, ўртоқ **В. Г. Ломоносовни** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайлади. **И. Г. Анисимкин, Й. Р. Қурбонов, О. У. Салимов** ўртоқлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ш. Р. Рашидов, Н. Ж. Худойбердиев ўртоқлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари қилиб сайландилар.

Қ. Камолов, Н. Маҳмудов, С. Р. Расулов, С. У. Султонова ўртоқлар Марказий Комитет бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирларини тасдиқлади: ўртоқ **Г. М. Орлов** — ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири, ўртоқ **В. А. Архангельский** — пропаганда ва агитация бўлими мудири, ўртоқ **Р. Ҳ. Абдуллаева** — маданият бўлими мудири, ўртоқ **М. М. Хайруллаев** — фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, ўртоқ **У. А. Рустамов** — информация ва чет эллар билан алоқа бўлими мудири, ўртоқ **В. Н. Қодиров** — маъмурий органлар бўлими мудири, ўртоқ **И. Р. Раҳматов** — оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудири, ўртоқ **М. С. Саидов** — қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири, ўртоқ **В. О. Козимов** — транспорт ва алоқа бўлими мудири, ўртоқ **Ш. Ш. Шомуҳиддинов** — енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири, ўртоқ **Т. Г. Зинин** — қишлоқ хўжалик бўлими мудири, ўртоқ **А. И. Тихомиров** — сув хўжалиги бўлими мудири, ўртоқ **А. И. Охунжонов** — савдо, план ва молия органлари бўлими мудири, ўртоқ **К. Тоиров** — умумий бўлим мудири, ўртоқ **Т. М. Умаров** ишлар мудири қилиб тасдиқланди.

Ўртоқ **Ж. Хўжаев** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси қилиб тасдиқланди.

Ўртоқ **Н. Ф. Тимофеев** «Правда Востока» газетаси редактори, ўртоқ **М. Қориев** «Совет Ўзбекистони» газетаси редактори, ўртоқ **Ш. Ниёзов** «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси редактори, ўртоқ **А. Ислямов** «Ленин байроғи» газетаси редактори, ўртоқ **А. Д. Ивахненко** «Ўзбекистон коммунисти» («Коммунист Узбекистана») журнали редактори, ўртоқ **Т. Соатов** «Партия турмуши» («Партийная жизнь») журнали редактори қилиб тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссияси янги сайланган составининг 4 мартда бўлиб ўтган мажлисида ўртоқ **К. Каримов** Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

*** Бугун Тошкентда республика қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи очилади.**

** Қурултой қатнашчиларига алангали салом!*